

02  
683

В.В.Садуурская, З.А.Нематова,  
М.А.Зуларова, М.А.Рахимова

82-053.2

АКА

БОЛАЛАР АДАБИЙТИНИНГ ТАВСИИ ВА  
СИСТЕМАЛАШТИРИЛИШИ

ЎзССР Маданият министрлиги Укув-методика  
Совети маданият институти студентлари учун  
укув-методик кулланма сифатида тавсия этган

дуб. не пр.

ИЖ. ЗАЛ.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

Б.К. - 76

Axborot Resurs Markazi

Тошкент - "Ўқитувчи" - 1990

~~4418~~      ~~5/11~~

2091199

02 (575.1) Библиограф

© "Ўқитувчи" нашриёти, 1990 й.

П 4406000000 - 7 I49-90

353 (04) 90

ISBN 5-645-00768-9

### Қириш

КПСС XXII съездининг ҳужжатларида совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришга, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва маънавий потенциални жадаллаштиришга ҳал этувчи даражада таъсир кўрсатадиган илосий вазифалар белгилаб берилган.

Съезд қарорларининг энг муҳим хусусияти—социал соҳани ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилишидир. Идеология муассасалари, жумладан болалар ва мактаб кутубхоналари олдига китобхонларнинг ёш хусусиятлари ҳамда мазкур муассасаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиладиган мураккаб вазифалар қўйилмоқда. Мамлакатнинг ривожланиш истиқболлари кўп жиҳатдан ёш авлод тарбиясига боғлиқдир. Зеро, КПССнинг XXII съездида ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида белгилаб берилган социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўли шахсни психологик жиҳатдан қайта тарбиялашни талаб этади. Ҳозир муайян билимлар йиғиндисини узлаштириб олишгина эмас, балки уларни мутасил янгилаб бориш ҳам лозим. Кутубхона ўқишга эҳтиёжни тарбиялаши керакки, токи китоб бутун ҳаёт давомида ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашишда ҳамда умумтаълим ва маданий савияни оширишда ёрдам берсин.

Ўқиш — интеллектуал меҳнат бўлиб, шу боис кутубхоналар зиммасига бола ва ўсмирларда тўғри типдаги китобхонлик фаолиятини шакллантириш вазифасини юклаган. Бу эса болалар ҳамда мактаб кутубхоналарининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни амалга оширишга реал ҳиссаси бўлиши керак. Ислохотнинг асосий талаблари орасида "тез тушуниб, ифодали ўқишнинг мустаҳкам кўникмаларини шакллантириш" талаби ҳам бор. Бироқ, бутун фонд ҳамда справка апарати пухта ва яхши ташкил қилинган тақдирдагина укувчиларга китоб бойлигидан муваффақиятли фойдаланишда, уз билимларини оширишда, ахборотлар оқимини тўғри аниқлашда ёрдам бериши мумкин.

Фондлардан фойдаланиш самарадорлиги, маълумки, биринчи навбатда уларнинг состави ва мазмунини тула ҳамда кўп аспектда очиқ берувчи справка — библиография апаратининг (СБА) сифати-га боғлиқ. Каталоглар сифатини ошириш кутубхоналар томонидан улар олдига жамият қўйган вазифаларнинг бажарилиши сабабларидан биридир. Ҳужжатларнинг таъсифи ва системалаштирилиши кутубхона-

ларда, илмий-техника ахбороти органларида, китоб палаталарида, редакция ва нашрётларда олиб борилади. Барча кўрсатилган ташкилотларда бу жараёнларга қўйиладиган талаблар ҳар бир ташкилотнинг вазифаларига қараб ўзига хосдир. Болалар адабиётининг тавсифи ва системалаштирилишида, болалар ҳамда мактаб кутубхоналари СБА ни ташкил қилишида ўзига хос хусусиятлар бор.

Очиқ қўйиладиган тоқчаларда китобларнинг жойлаштирилиши, каталог ва картотекаларда ҳужжатларнинг ҳар томонлама очиқ берилиши библиографик тавсиф сифатига, кутубхона-библиографик классификацияга, шунингдек кутубхона ходимлари ҳамда студентлар ва ўқувчиларнинг (булажак мутахассисларнинг) улардан маънавий фойдаланишларига боғлиқ.

Ушбу қўлланмада Ўзбекистонда болаларга мустақил болалар кутубхоналари, ссмавий кутубхоналарнинг марказлаштирилган кутубхоналар системаси (МКС)га биришган кутубхоналари ва болалар кутубхоналарининг мустақил МКС лари хизмат қилиши ҳисобга олинган.

Мазкур ўқув қўлланмаси болалар адабиёти ва болалар билан кутубхоначилик иши соҳасига ихтисослашган маданий-оқартув техникумларининг студентлари ва ўқувчилари учун тайёрланган. Қўлланманинг мақсади студент ва ўқувчиларга уларнинг мустақил ишлашида ёрдам беришдан (ГОСТ 7.1-84. "Ҳужжатнинг библиографик тавсифи", янги ГОСТнинг янги тавсиф инструкциясининг 1986 йил 1 январдан бoshлаб), шунингдек болалар ва мактаб кутубхоналари учун кутубхоначилик-библиографик классификация (КЖ) ладвалари 2- нашрининг тасдиқланishi ва практикага жорий этилиши муносабати билан ўқув адабиётида (айниқса миллий тилда) мавжуд бўлган буш жойнинг урнини тўлдиришдан иборат. Бу муносабат билан ўқув қўлланма шу тарзда тузилдики, токи ундан керекли маълумотлари бўлган кўп сонли манбаларсиз фойдаланишнинг иложи бўлсин. Ана шу жаҳатдан ушбу қўлланмадан барча типдаги кутубхоналар ходимлари амалий ишларида фойдаланишлари мумкин.

## I. Болалар учун кутубхона каталоглари

Каталоглар болалар китобхонлигига раҳбарлик қилишнинг муҳим воситаси ва ўқувчиларни мустақил китоб танлашга ўргатиш усулларида биридир. Каталогларнинг бу қимматли хусусиятларини Н.К.Крупская бир неча бор таъкидлаган эди. У уларда ички ишлар учун аппаратни эмас, балки тарбиянинг муҳим омилини курган эди, бу омил мустақил билим олишда, болаларнинг махсус қизиқишларини қўллаб-қувватлашда ҳамда ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиб боришда қўмақлашади.

Агар каталогларга шу нуқтаи назардан қаралса, яхши тузилган, мазмуни, турлари ва формалари жиҳатидан хилма-хил каталоглар турли ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда, уларнинг дунёқарашини, "ҳаваскорлигини" (Н.К.Крупская ибораси) кенгайтиришда катта ёрдам беради.

Фондни системалаштириш ва ташкил этиш, каталоглар тузиш чоғида болаларнинг ёшини, турли ёшдаги китобхонлар гуруҳларига ҳос психологик хусусиятларини ҳисобга олмоқ лозим. Каталогларнинг мазмуни, структураси ва жиҳозланиши болаларнинг талаб ва имкониятларига, турли синф ўқувчиларининг билим доирасига, ўқиш жараёнида улар узлаштирган терминологияга, синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этиладиган китоблар савиясига тўла мос келиши лозим. Кутубхоначи бу маълумотларни мактаб программаларидан олиши мумкин.

Болаларга хизмат қиладиган МКС ларнинг каталог ва картотекалар системаси. Совет кутубхонашунослигида кутубхона каталоглари системаси дейилганда "планли равишда уюшган, турли аспектларда кутубхона фондидининг таркиби ва мазмунини очиқ берадиган, бир-бирини тўлдирадиган ўзаро боғлиқ кутубхона каталогларининг йиғиндиси" (ГОСТ 7.26-80) тушунилади.

Каталоглар ва картотекалар системасининг асосий функцияси кутубхона олдида турган идеологик, тарбиявий, маданий-маърифий, ахборот назифаларининг бажарилишини таъминлашдир.

Болалар ҳамда мактаб кутубхоналарида каталог ва картотекалар системасининг ўзига ҳос хусусияти — уни китобхонларнинг қизиқишлари бўйича — болалар китобхонлиги раҳбарлари ва турли ёшдаги ўқувчи китобхонлар учун аниқлашчи равишда ажратишдан

и борат. Ҳар икки қисм партиявийлик, илмийлик принциплари асосида тузилади ва тарбиялашнинг умум-педагогик вазифаларини бажаради. Ҳуқуқчилар учун каталог ва картотекаларнинг ўзига хос хусусияти адабиёт мазмунини очиб бериш ва характерининг турли ёшдаги болалар социал-психологик хусусиятларига мос келишидандир. Кутубхоналар-болалар, мактаб, МКС кутубхоналари бўлишдан қатъи назар, каталоглар совет дидактикасининг - илмийлик, ўқишнинг ҳаёт билан алоқадорлиги, ўқитишнинг тарбияловчилик ва риворивлаштирувчилик омили ва мустақкам билим ўзлаштирувчилик, мунтазамлилик ва изчиллилик, ҳаммабоплилик ва кўргазмалилик каби ягона принциплар асосига қурилиши лозим.

Республика, область (ўлка) болалар кутубхоналарининг мазмуни ва структураси "Республика, автоном область, область (ўлча) болалар кутубхонасининг каталоглар ва картотекалар системаси тўғрисида намунавий Низом"<sup>1</sup>га мувофиқ тузилади. Бу ҳужжатда умумтаълим мактаблари олдида турган навбатдаги вазифалар ҳисобга олинган ҳолда шу тилдаги кутубхоналар учун каталог ва картотекаларнинг илмий асосланган системаси тавсия этилган. Мазкур кутубхоналарнинг каталог ва картотекалари китобхоналар ва ходимлар учун алоҳида-алоҳида тузилган. Каталог ва картотекаларнинг ҳам мажбурий, ҳам қўшимча минимуми кўрсатилган.

Мажбурий минимумга 2-3= синф ўқувчилари учун кўп жилдли безакли картотека (каталог), 4-8= синф ўқувчилари учун системали каталоглар киритилади. Шунингдек мажбурий минимумлар жумласига 4-8= синф ўқувчилари учун мулкдорлик системали мақодалар картотекаси ва ўлкаунослик картотекаси, бадиий адабиёт сарлавҳаларининг алфавитли картотекаси киради.

Шу тилдаги кутубхоналар учун қўшимча минимумлар қаторига 6-8= синф ўқувчилари учун алфавитли каталогга, актуал темалардаги картотекаларга, безакли альбомларга, турникетларга, мактабгача ёшдаги болалар ҳамда 7= синф ўқувчилари учун турли жанр ва темалар бўйича каталогларга эга бўлиш тавсия этилади.

Низом мазкур кутубхоналар зиммасига бош хизмат алфавитли каталогини, хизмат алфавитли каталогини, системали каталогнинг

1

Руководящие материалы по библиотечному делу. -М., 1982. 186, 192= бетлар.

хизмат қисмини, болалар китобхонадиги раҳбарлари учун методик ва библиографик материалларнинг системали картотекасини тузишни юқлайди.

Низом каталог ва картотекаларнинг намунавий рўyxатини белгилаб, уни амалга оширишга ижодий ёндашишни кўзда тутати. Масалан, кўпгина кутубхоналар (шу жумладан, ЎзССРдаги кутубхоналар) I= синф ўқувчилари учун муължалланган тематик жанрдаги шахсий картотекаларни қўшимча минимумга эмас, балки асосий минимумга киритишади, чунки булар шу ёшдаги болаларнинг ўқув вазифаларига мос тушади. Айни пайтда Низом жиддий қўшимчалар киритишни талаб қилмоқда, чунки унда республика, область болалар кутубхоналарида йил сайин кўнайиб бораётган диафильм, нота, картографик материаллар, микрофильм, ёзиб олинган овозларни акс эттирувчи каталог ва картотекалар тузишга йўл-йуриқ йўқ. Шу хилдаги кутубхоналарнинг тажрибасида аудиовизуал материаллар фонди учун каталог ва картотекалар тузишнинг турли вариантларини учратиш мумкин.

Мактаб ўқувчиларига хизмат кўрсатувчи марказлаштирилган кутубхона системаларидаги каталог ва картотекалар системасининг мазмуни ва структураси "Оммавий давлат кутубхоналарини марказлаштириш тўғрисида Низом" ҳамда "Организация работы централизованной библиотечной системы: инструкции и учетные формы" (Тулдирилган ва қўшимчалар киритилган 2= наши, М., 1985) тупламада босиб чиқарилган методик-йўлланма материаллари билан белгиланади.

МКС ларнинг каталог ва картотекалар системаси марказий кутубxonанинг бутун марказлаштирилган система китоб фондларга тузилган китобхоналар ҳамда хизмат каталогларидан, марказий болалар кутубхонаси ва филиал-кутубхоналарнинг каталог ва картотекаларидан ташкил топади. Агona МКСда марказий ва йигма (хизмат) каталоглар етакчи ўринни эгаллайди.

Катталар ва болалар учун адабиётларнинг Марказий хизмат (ҳисоб-китобли) алфавит каталоги МКС ларнинг комплектлаш ва хизмат курсатиш бўлимининг (К ва ХКБ) ички ишларида фойдаланилади, ҳисоб ва справки функцияларини бажаради ҳамда маъбуот асарларининг ҳамма турларини акс эттиради. Ҳисоб каталоги картотекасининг оборотида китоб ва брошюра нусхаларининг МКСлар

структуравий бўламлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. У ҳам катталар, ҳам болалар учун фондларда мавжуд бўлган китоб ва брошураларга библиографик тавсифни ўз ичига олади. Унда рус ҳамда ўзбек алфавитида СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидаги нәшрлар бир қаторда акс эттирилади. Агар нашр ҳам катталарга, ҳам болаларга мўлжалланган бўлса, оммавий кутубхоналар ҳамда болалар ва мактаб кутубхоналари учун параллел равишда кутубхона=библиографик классификация (ККЖ) жадваллари бўйича тўла индекс қўйилади.

Марказий болалар кутубхоналарининг (МБЖ) китобхоналарга мўлжалланган алфавит каталоги ва филиал кутубхоналарининг алфавит каталоги (АК) кутубхонада конкрет китобнинг бор ёки йўқлигини ва фондда муайян авторнинг қайси асарлари борлигини билиш имконининг беради. Бу каталогда, учёт каталогидан фарқи улароқ, автордош, редактор, безатувчи, тузувчи, сарлавҳага оид барча зарур қўшимча тавсифлар: қидиришни енгиллаштирувчи далил кўрсатилган ва справка карточкалари бўлади. Буларнинг ҳаммаси АК нинг ахборот ва қидириш имкониятларини кенгайтиради.

АКнинг структураси тил белгиси бўйича тузилади ва ҳар бир тил ўз алфавит қаторига эга бўлади: рус тилидаги, ўзбек тилидаги, бошқа халқларнинг тилларидаги адабиётлар.

АК хизмат биноларига жойлаштирилади, ундан кутубхоначилар, болалар китобхоналиги раҳбарлари ўз ишларида фойдаланадилар. Ёндоқларин, унга ўқувчилар, айниқса юқори синф ўқувчилари ҳам мурожаат эта оладилар.

Сарлавҳалар картотекаси – АК га қўшимча аппарат бўлиб, у фақат асарнинг номи маълум бўлганда автор фамилиясини белгилаш учун кўмаклашади. Унинг карточкалари икки элементдан – сарлавҳа ва автор фамилиясидан ташкил топади. Болалар кутубхоналари бу картотекага нафақат бадиий, балки илмий билим оладиган адабиётларни ҳам киритадилар. Сарлавҳаларнинг картотекаси учун китобларга карточкаларни К ва КББ ходим тайёрлайди.

Катталар ва болалар учун вақтли нашрларнинг йиғма алфавитли каталоги шу системадаги қайси кутубхонадан у ёки бу нашрни топиш мумкинлигини аниқлашда кўмаклашади.

Китобхоналар каталогларининг рўяхати республика, область болалар кутубхоналарининг каталог ва картотекаларига ўрнатилади.



кетади.

## 1. Болалар учун каталог ва картотекалар системасини ташкил этиш хусусиятлари

Мактабгача ёшдаги болалар ва I- синф ўқувчилари учун каталоглар тузаётганда, 6-7 ёшли китобхонларнинг ўқиш техникасини ёмон эгаллаганини, уларнинг эътибори тез тарқалишини, аммо жуда конкрет фикрлашини, идрок этиши эса ўта таъсирчанлиги билан ажралиб туришини ҳисобга олиш лозим. Шунинг учун ҳам бу гуруҳга китобхонлари учун автор, жанр белгиси бўйича (чунки улар бир автор ёки бир жанр китобларини ўз ичига оладилар) тузилган бир темали каталог-альбомлар, турникетлар, "ширма"лар справка аппарати функциясини бажаради. Темаларни конкрет ва содда ифодалаш лозим: "Севимли эртактлар", "Қуддус Муҳаммадий китоблари", "Биз - октябрларимиз", "Ўзбекистон ҳайвонлари" сингари. Каталог ҳам жидатдан жуда кичкина бўлиб, 10-12 та китоб номидан ошмаслиги керак, бўлмаса бола уни охиригача кўрмайди ва янги таассуротларга берилиб, унга умуман қайтмаслиги мумкин.

Бошловчи китобхонлар ҳали каталоглардан фойдаланишга ўрганилмаган бўлади. Уларнинг эътиборини каталогларга ҳамда уларда кўрсатилган китобларга жалб этиш учун каталогларни яхши иллюстрациялар билан безаш лозим. Уларни расм, муқова, иллюстрация-аппликация, кутубхончи ёки расм томонидан ишланган иллюстрация, каталог темаси ёки китоб мазмунини очиб берувчи болалар ишлаган расм қизиқтиради, кўрув идроки орқали текстга олиб келади ва шу тариқа доимо каталоглардан фойдаланишга ўргатади. Яхши иллюстрация болаларда бадиий дидни тарбиялайди.

Каталогларни аппликациялаш йули билан безаш учун муқова-лашдан кейин қолган китоб томларидан, эски журналларнинг иллюстрацияларидан, откриткалардан фойдаланилади. Бу материалларнинг барчаси қўлда бўлиши учун уларни олдиндан йиғиш ва тема, жанр, авторлар бўйича папкаларда системага солиш лозим.

Каталогларда кiritилган китоблар тўғрисидаги маълумотлар жуда қисқа: авторнинг фамилияси ва инициали, сарлавҳа, кичикроқ, аммо қисқа гаплардан иборат, болаларга тушунарли сўзларда ёзилган ифодали аннотациядан иборат бўлиши керак. Аннотация беришдан мақсад - кичкинтойларни китобга қизиқтириш ва уларда китоб

Уқишга иштиёқ уйғотиш.

Каталогларга болалар эътиборини жалб этишда уларнинг формаси жиддий аҳамиятга эга. Болаларга хизмат қилувчи кутубхоналарда кертотекалар кенг ёйилган. Улар ҳар хил рангли 15 x 20 см форматдаги қалин картон карточкалардан тузилади. Карточканинг катта қисмини иллюстрация ташкил этади. Текст йирик босма ҳарфларда ёзилади. Асосий карточкада иллюстрациянинг умуман бутун кертотекага алоқаси булиши керак.

Альбом каталоги учун осонликча олиш ва бошқаси билан алмаштириш мумкин бўлган алоҳида-алоҳида варақлардан иборат бўлақларга ажратиладиган альбомдан фойдаланган яхши. Альбомларнинг муқоваларида тема ва жанрнинг номи, ёзувчининг фамилияси кўрсатилади ва темага мос келадиган иллюстрация жойлаштирилади.

Кал. алог - турникет (вертушка) болакайлар эътиборини ўзининг одатдан ташқари формаси билан жалб қилади. Турникетнинг ҳар бир томонидан қандайдир бир китоб учун фойдаланилади. Томонлардан бири асосий ҳисобланади.

Каталог - ширма болаларга эрта ёшлиқдан маълум. Мактабгача ёшдаги болалар учун қулгина китобча-рasmлар шундай нашр қилинади, шунинг учун болалар китоб танлашда уларга баъзонидил муурожаат қиладилар. Болалар уйинчоқ каталогларга ҳам яхши муносабатда бўладилар.

Плакатлар кўринишидаги деворга осиладиган иллюстратив каталоглардан кутубхоналарда кaмроқ фойдаланилади. Улардан жой етишмаслигидан каталогларни столда жойлаштириш иложи бўлмаган ҳолдагина фойдаланилади. Каталог-альбомлар, турникетлар, ширмалар 6-7- синф ўқувчиларига хизмат кўрсатадиган ходимлар томонидан қўлланилади.

2-3- синф ўқувчилари учун каталоглар кўп лиҳатдан мактабгача ёшдаги болалар ҳамда 1- синф ўқувчилари учун тайёрланган каталогларни эслатади. Уларда иллюстрацияга катта ўрин ажратилиб, китоблар тема, жанр ва авторлар буйича ажратилади. Бироқ, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар фаннинг айрим тоҳалари буйича китобларга қизиқишнинг янада кенгайиши, мактабда, пионер ташкилотигадаги жамоат ишларида олинган билимлар, болалар вақтли матбуотидан, радио ва телевидениедан олин-

ган маълумотлар билан изоҳланади. 2-3= синф болаларида аллақачон ўқиш кўникмалари пайдо бўлиб, уларнинг эътибори янада барқарор тус олади. Шу боисдан уларга мўлжалланган каталоглар бошқача тематикада булади ва безатилади.

Форма жиҳатдан иллюстрацияланган картотекалар ва ўзига битта тор темани эмас, балки билим соҳасини ёки қатор темаларга бўлинадиган масалани ҳам оладиган каталог-альбомлар кўпдир. Улар карточкалардан иборат бўлиб, катталиги 1968 йилдан бошлаб "Книга" нашриёти томонидан чиқарилаётган ва иллюстрациялар билан безатилган "Что нам читать?!" каталогининг ҳажмига тенг. Унинг биринчи наشري "И.И. Ленин", "Ажойиб коммунистлар ҳаётидан", "Октябрь революцияси ва граждaн уруши" сингари темаларни ўз ичига олган. Бу каталогнинг яратувчиси В.И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасидир. Каталогни олган кутубхоналар биринчидан, карточкаларга шифрлар қўйиб чиқишади, иккинчидан эса, унга қўшимча равишда конкрет кутубхонанинг фондини акс эттирувчи предмет-тематик картотекалар тузишади. Муस्ताқил равишда каталог тузиш учун темаларни тўғри группаларга ажратиш ва ифодалаш лозим. Битта каталогда 30 ва undan кўпроқ тема кўрсатилиши мумкин. Улар болалар ҳамда мактаб кутубхоналари учун КБ бўлишлари ёки комплекслар бўйича бирлаштирилади, масалан, билимнинг турли соҳаларидаги ижтимоий-сиёсий тематикага оид китоблар: 13,5, 66.6(2) 8,63.3 (2) 712) бўлимларда берилади.

Китоб тавсифи берилган карточкада шифр, автор фамилияси, китоб сарлавҳаси, сарлавҳага алоқадор маълумотлар, миқдорий характеристика келтирилади. Аннотация библиографик тавсифининг муҳим элементиدير. Уни тузишда ёш китобхонлар иштирок этишлари мумкин. Шунингдек, каталогда китоблар тавсифидан ташқари тўпмалар ва болалар журнallаридан ("Звёздочка", "Гунча", "Гулхан", "Пионер", "Мурзилка" ва бошқалар) олинган ҳикоя, очерк, мақолаларнинг аналитик тавсифи ҳам акс эттирилади.

Каталог-альбомлар купинча қандайдир систематик каталогга ўхшab кетади. Ҳар бир бўлимга битта альбом ажратилади.

Шундай қилиб, 2-3= синф ўқувчилари учун каталогларда материални муайян даражада системалаштириш вужудга келади, бу эса уларга кутубхонанинг 4-5= синфлар, кейинроқ эса 6-8= синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлимларига ўтишда каталогни аниқлаш-

га қўмақлашади.

4-5— синф болалари учун каталоглар бамиссоли оралиқ бошқичдир. Улар болалар ҳамда мактаб кутубхоналари учун КБК ҳадвалларига берилган илова схемаси асосида тузилади. Улардаги тематик рубрикалар КБК бўлаклари асосида тузилган рубрикалар сингари катта урин ағаллашлари шарт эмас. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, бу каталог юқори синф ўқувчилари учун тузилган системали каталог билан бириктирилиши мумкин, бу эса сўзсиз кейингисига таъсир этади. Бундай ҳолда ҳар бир китоб ўз "ўқувчи адресига" эга бўлиши, структураси эса сал "жиддий" бўлиши лозим.

Кутубхонада 6-8— синф ўқувчилари учун тузилган каталогларга катта тарбиявий ва маърифий роль юқлатилган. Улар усмирларнинг дунёқаролини шакллантириши ва кенгайтириши, уларга фанни олимлларнинг арифметик йиғиндиси сифатида эмас, балки ўзаро боғланган нарса сифатида тақдим этилиши, китобхонликка қизиқиш уйғотиши, мактабнинг ҳаёт билан боғлиқ вазифаларига кавоб бериши лозим.

Ана шу вазифаларнинг ҳаммасини ҳал этишда системали каталог ёрдам беради, унинг заминида асосий хусусиятлари мантиқийлик ва қисмлар жойлашишидаги изчиллик булган мунтезамлилик сингари муҳим принцип ётади.

Болалар учун системали каталогнинг илмий бўлимларига тақдор ёритилган методидан фойдаланиб системалаштирилган бадиий адабиёт асарларига берилган қўшимча тавсифлар жойлаштирилади. Улар ё билимнинг маъкур соҳасига доир китобларнинг умумий алфавитига киритилади ёки улардан маъсус тематик рубрикалар тузилади. Карточкаларни систематик ва тематик группалашнинг қўшиб олиб борилиши, нисбатан камроқ урин ағалласа=да, катта ёшдаги болалар учун тузилган системали каталогларда қўлланилади.

Систематик каталоглар IО-II ёшли ва I2-I4 ёшли ўқувчилар учун китоблар, диаматериаллар, овоз ёзиш материаллари танлашнинг асосий манбаидир. Бу каталогларда катта ёшдаги китобхошлар каталогларидегига нисбатан анча кўп аналитик тавсифлар талаб этилади. Мақолалар танлашни МКБ библиографи бажаради. Материал танлашда мактабда урганладиган предметларнинг мазмуни ҳамда китобхон талаби хусусиятлари эътиборга олиниши лозим.

Каталогга матбуот нашраларидан олинган ўткинчи аҳамиятли мақо-  
лаларни киритиш зарур эмас. Улар мақолаларнинг систематик кар-  
тотекасида ва тематик картотекаларда акс эттирилиши мумкин.

Адабиётни системали каталог (СК) да акс эттиришда тил бел-  
гиси эътиборга олинмайди. Рус, ўзбек ва бошқа тиллардаги ада-  
биётлар учун тузилган қарточкалар мазмунига қараб битта СК га  
киригилади. СК нинг ташқи ва ички ёзувлари рус ва ўзбек тилла-  
рида бериледи. СК нинг ташқи ва ички ёзувлари (яшиқлардаги  
этикеткалар ва ажраткичлар) параллел равишда икки тилда: ўзбек  
ва рус тилларида бажариледи.

И. К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин.  
Марксизм-ленинизм.

Асосий булимлар:  
Основные деления:

II. Марксизм-ленинизм асосчи  
ларнинг асарлари.  
Произведения классиков  
марксизм-ленинизма.

III. К.Маркс, Ф.Энгельс,  
В.И.Лениннинг ҳаёти ва  
фаолияти.  
Жизнь и деятельность  
К.Маркса, Ф.Энгельса,  
В.И.Ленина.

IV. Марксча-ленинча филосо-  
фия. Марксистско-ле-  
нинская философия.

Марксча-ленинча  
сиёсий иқтисод,  
қаралсин 65.011

Марксистско-ленинс-  
кая политическая  
экономика, см. 65.011.

Илмий коммунизм, қа-  
ралсин 66.017.

Научный коммунизм,  
см. 66.017.

СК нинг бир тилда, фақат миллий тилда тузилиши СССР Мада-  
ният министрлиги кутубхоналарига алоқаси булмаган бир тилда  
ўқийдиган китобхоналарга хизмат кўрсатувчи кутубхоналардагина  
қабул қилиниши мумкин. Бундай вариантни фақат иттифоқдош респуб-  
ликаларнинг мактаб кутубхоналарида қўллаш мумкин. Масалан,  
Ўзбекистоннинг ўқиб ўзбек тилида олиб бориладиган ва айниқса  
қўйи ва ўрта синф ўқувчилари фақат ўз тилини биладиган мактаб  
кутубхоналарида СК ни фақат ўзбек тилида жиҳозлаш мақсадга му-  
вофиқдир. Ўқори синф ўқувчилари учун СК ни уларни катталарга  
хизмат қилувчи ва шунга ўхшаш қилиб жиҳозланган каталоглардан  
фойдаланишга тайёрлаш мақсадида икки тилда жиҳозлаш мақбулдир.

Ўқитиш рус ва ўзбек тилларида олиб бориладиган аралаш  
мактабларда СК параллел равишда икки тилда жиҳозланиши лозим.

Ўзбекистоннинг ўқитиш фақат рус тилида олиб бориладиган мактабларида СК фақат рус тилида жиҳозланиши ҳам мумкин.

МЎЖда алфавит предмет курсаткичи (АПК) бўлиши шартдир, у СК, мақолаларнинг систематик картотекаси (МСК), ўлқашунослик картотекаси буйича йул курсаткичдир. Унга илмий омиабоб адабиёт фондининг мазмунини ақс эттирувчи рубрикаларни киритадилар. Рубрикаларнинг таърифи боланинг предмет, тема, тушунчани идрок этиш хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Ўзбекистоннинг болалар кутубхоналарида иккитадан АПК, бири - рус тилида, бoшқаси - ўзбек тилида олиб бoрилиши керак.

Болалар китобхонлиги раҳбарлари учун систематик каталог КБС жадвалларига иловада берилган структура асосида тузилади. Бу каталогга кутубхоначилар, педагоглар, вожатийлар, ота-оналар учун уларнинг болалар китобхонлигига раҳбарлик соҳасидаги ишида зарур бўлган адабиётлар киритилади.

Мактаб кутубхоналарида ўқитувчилар учун илмий-методик ва педагогик адабиётларининг систематик каталоги тузилади, у КБЖ жадвалларига тавсия (№4) буйича тузилади.

Нашрларнинг махсус турлари, масалан, овоз ёзуви материаллари, диафильмлар, слайдлар, нота нашрлари учун каталоглар бутун МКС фондини ақс эттиради ва марказий каталог ҳисобланади. Улар МК, МБЖнинг ихтисослаштирилган бўлимида ёки шу нашрларнинг асосий фонди жамланган филиал кутубхонада қойлаштирилади. Босма йиғма каталоглар кутубхоналар материал-техника базасининг ривожланиш даражаси буйича бутун КБЖ фондини фойдаланишида катта роль ўйнайди.

## 2. МБЖ картотекалари

Мақолаларнинг систематик картотекаси (ПСК) 10-14 ешдаги китобхонларга мўлжалланган ва СК га қўшимча бўлиб хизмат қиладди. У шу ешдаги китобхонларга мўлжалланган вақтли нашрлардан олинган мақолалар тавсифидан иборат. МСКни библиографлар олиб бoришда ва таҳрир этишдади. МКС КБЖ жадваллари асосида ташкил қилинади. СК ва МСКнинг ички ва ташқи безатилиши ўхшаш бўлиб, бу эса справка-библиография ишида шу аппаратлардан фойдаланиш чоғида аниқликни таъминлайди, китобхонларнинг ишини енгиллаштирилади. Аммо СК дан фарқли улароқ, МСК да материални деталлашти-

риш янада майдалашади, чунки булимлар ва майда булимлар чегара сида у каталогга нисбатан кўпроқ материални бирлаштиради.

Булимлар чегарасидаги тавсифлар қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

- марксизм-ленинизм классикларининг асарлари;
- директив материаллар, партия ва ҳукумат қарорлари, КПСС съездлари ва пленумларининг материаллари;
- бошқа авторларнинг мақолалари (тескари хронологик тартибда).

Карточкаларни бундай тартибда жойлаштириш китобхонга энг янги эълон қилинган асарлар билан танишиш имконини беради, кутубхоначига карточкаларни жойлаштиришни, эски йилларнинг материалларини истасмолдан чиқаришни енгилаштиради.

Системали улкашунослик картотекаси (СУК) улкани ўрганишга кўмаклашувчи IО-I4 ёшдаги болаларбоп адабиётни тавсиф этади. У тўплам ҳамда вақтли нашрлардан олинган китоб ҳамда мақолаларнинг тавсифини ўз ичига олади. СУК СК дан далил келтириш, унинг улкашунослик материаллари акс эттирилган булимлари билан боғланган. Улкашунослик картотекаси учун энг аввало болалар ва ўсмирларга махсус мўлжалланган нашрлардан, у ёки бу республика ёки область, шаҳар, район тўғрисидаги китоблардан, бутуниттифок ("Пионер", "Бокруг света", "Книжй натуралист") ва маҳаллий журналлардан олинган мақолалардан фойдаланилади.

Улкашунослик материалларини саёҳатчи олимларнинг асарларидан, номлари у ёки бу жойда бўлиши билан боғланган ёзувчи, расом, композиторларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблардан топиш мумкин. Шунингдек картотекада маҳаллий ёзувчиларнинг болаларга атаб ёзилган бадиий асарлари ҳам акс эттирилади.

Болалар учун улкашунослик буйича махсус нашрлар бўлмаганлиги сабабли ўқувчиларга тушунарли ва қизиқарли адабиётни катталарга мўлжалланган китоблардан пухта танлаб оладилар.

Улкашунослик картотекасини МБКнинг библиографи олиб боради.

8-9 ёшдаги китобхонлар учун махсус улкашунослик картотекасининг бўлиши шарт эмас, аммо она Ватан тўғрисидаги адабиётни шу ёшдаги болаларга мўлжалланган СК қисмида акс эттириш лозим.

Болаларга хизмат қилладиган филиал - кутубхона томонидан олиб бориладиган алфавитли каталог болалар ва ўсмирларга, бола-

лар китобхонлиги раҳбарларига мулкаланган филиалнинг бутун фондини акс эттиради. У алфавитли каталог тузиш қоидалари бўйича тузилади. Шунингдек филиал = кутубхона сарлавдаларнинг алфавит курсаткичини олиб боради.

Энг кичик ёшдаги (6-7 ёшдаги) китобхонларга иллюстрация билан безатилган турникетлар, "ширма", каталог=альбомлар тавсиф этилади.

8-9 ёшдаги китобхонлар учун СК қисми МБК СК га ухшаш ажраткичлар билан иллюстрацияланган катта форматли карточкаларда ташкил қилинади.

10-14 ёшдаги китобхонлар шу гурӯпадаги китобхон болаларга мулкаланган СК қисмидан, шунингдек ўлкашунослик характеридаги болаларбоп асарларни акс эттирувчи МСК дан фойдаланадилар.

Катталар ва болаларга хизмат қиладиган филиал=кутубхонада филиалнинг бутун фондини акс эттирувчи алфавитли каталог ташкил қилинади. 6-7 ёшдаги китобхонлар учун чиройли безатилган каталог=альбомлар, айрим тема ва жанрлар бўйича турникетлар тузилади. Ўқувчилар учун бир неча қисмлардан иборат СК ташкил қилинади:

8-9 ёшлилар учун катта ҳажмли карточкаларда ва иллюстрациялар билан ;

-10-14 ёшлилар учун стандарт ҳажмдаги карточкаларда.

Мақолаларнинг систематик картотекаси яқки қисмдан иборат :

-катталар учун ;

-10-14 ёшли ўқувчилар учун.

Болалар китобхонлиги раҳбарлари учун материаллар, методик наشرлар катталар учун СК ва МСК да акс эттирилади.

### 3. Болалар кутубхоналари ҳужжатларининг тавсифи тўғрисида умумий тушунча

Китобни тавсифлаш - уни характерловчи, бошқалардан ажраттиш имконини берувчи асосий белгиларини (қоида бўйича) бериш демакдир. Болалар кутубхоналарининг каталоглари учун қўлёзма карточкалар тузиш ва тавсифлашда унинг барча элементлари сақланади баъзилари эса аниқланади.

Библиографик тавсифлаш - ҳужжат тўғрисида библиографик маълумотлар, унинг асосий қисм ёки муайян қоидалар бўйича

Toshkent Axborot Texnologiyalari Univers

6/18-16  
Axborot Resurs Markazi




келтирилган ҳамда ҳужжатнинг умумий характеристикаси ва идентификациялаш учун зарур ва етарлича ҳужжатлар группаси туғри-сидаги библиографик маълумотлар йиғиндисиدير.

Библиографик тавсиф тузиш амалдаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади, шундай ҳужжатлар жумласига аввало "ҳужжатнинг библиографик тавсифи ва библиографик тавсиф тузиш қоидалари" (ГОСТ-7.1-84) киради. Библиографик тавсиф тузиш кутубхоначи дан матбуот асарларининг турларини яхши билишни, уни идентифи-кациялашда энг яхши ёрдам бера олувчи библиографик маълумотлар-ни аниқлаш қобилиятини талаб қилади.

Библиографик тавсифнинг қўлланиши унда нашр туғрисида маълумотлар йиғиндисини белгилайди. Бу эса кичикроқ мактаб ва болалар кутубхоналарининг каталогларидаги библиографик ёзувлар йирик илмий кутубхоналарнинг, масалан, ЎзССР болалар кутубхо-насининг каталогларидан энг аввало тавсиф тўлалиги (бу эса китобхоналар талабининг характеридаги фарқ билан изоҳланади) билан фарқ қилиши мумкинлигини англатади. Шу мақсадда тавсиф элементларини мажбурий ва факультатив элементларга булиш жо-рий этилган. Мажбурий элементлар нашр идентификациясини таъминлайди ва у ҳар қандай библиографик тавсифнинг зарурий асо-сидир. Факультатив элементлар нашр ҳақида қўшимча ахборот бе-ради.

"Умумий қоидалар"... I вазифасидан қатъи назар, тавсиф ту-зишнинг каталоглар, картотекалар, библиографик кўрсаткичлар, бошқа ахборот нашрлари учун ягона методикасини тавсиф этади. Ўнги давлат инструкцияси "Умумий қоидаларида"... ҳужжатлар ҳар хил турларининг библиографик тавсифи батафсил ишлаб чиқилган. Ўнги 7.1-84. ГОСТнинг ҳамда давлат инструкцияларининг мавжудли-ги марказлаштирилган каталоглаштиришни амалга ошириш имконини беради, библиографик тавсифнинг бир хиллигини таъминлайди ва каталоглаштириш жараёнини осонлаштириб, кутубхоначи учун дасту-риланал бўлади.

I Правила составления библиографического описания (Между-вед. каталогизац. комис. при гос. б-ка СССР им. В.И.Ленина.-М., 1986. - 4.1. Книжки и сериальные издания. - 727.



#### 4. Тавсифлаш принциплари

Тавсиф тузиш бевосита нашр бўйича олиб борилади, бу эса тавсифнинг аниқ—пухталигини ва тўлалигини таъминлайди. Тавсиф тузиш объектлари қуйидагилардир: китоб (бир жилдли ёки кўп томли нашр), серияли нашр (вақтли, давомли, серияли), кўп томли ёки серияли нашрнинг алоҳида томи (чиқиши, сони), шунингдек уларнинг таркибий қисмлари (мақола, бўлим, боб ва ҳоказолар). Тавсиф тузиш жарёёнига нашрнинг таҳлили, библиографик маълумотларни аниқлаш, тавсиф элементларининг зарурий миқдорини белгилаш; библиографик тавсифнинг биринчи элементини танлаш; маълумотларни белгиланган тартибда ёзиш киради. Ҳозирги пайтда жаҳон назарияси ва практикасида тавсифнинг икки усули ёки библиографик ёзувнинг икки тури; сарлавҳа остида ва авторли тавсифлар қарор топди.

Авторли библиографик тасвир индивидуал автор номини, коллектив автор номини, материал тура белгисини (тавсиф боши формасини) дастлабки элемент сифатида танлашни англатади.

Сарлавҳали библиографик тавсиф асарнинг асосий номини дастлабки элемент сифатида танлашни англатади.

Индивидуал авторнинг номи остидаги библиографик ёзув мустақил равишда ёки бошқа шахслар билан автордошликда асар ёзган шахснинг номи дастлабки элемент сифатида танлашни англатади (библиографик тавсиф айни шу автор фамилиясидан бошланади). Бир неча авторлар томонидан ёзилган асарларга, агар автор уч кишидан ортиқ бўлмаса, авторли библиографик тавсиф тузилади. Турт ва ундан кўпроқ авторлар бўлганда эса сарлавҳа остида тавсиф бериш усули танланади.

Коллектив автор номи остидаги библиографик ёзув ўз номидан босиб чиқарилган материал мазмуни учун жавобгар муассаса (ташкilot) дастлабки элемент сифатида танланганини англатади. Коллектив автор номи остидаги библиографик ёзув фақат кутубхоналарнинг каталогларида ва давлат библиографика нашрларида қўлланилади.

Сарлавҳа формаси остидаги библиографик тавсиф дастлабки элемент сифатида шартли равишда муодаланадиган (мамлакат номи ва материал туридан тузиладиган) сарлавҳа танланишини англатади, бу эса алфавитли каталогнинг бир жойида ҳар бир мамлакат

ёки республиканинг қонуний материалларини туплаш имконини беради.

Сарлавҳа остидаги тавсиф нашрларнинг қуйидаги турларига тузилади: умумий сарлавҳа остида берилган турли авторлар асарларининг туплами, тўрт ва ундан кўп авторлар яратган асарлар, турли хилдаги справочниклар ва турли маълумотлар берадиган нашрлар, барча турдаги лўғатлар ва ўқув-методик қўлланмалар, хрестоматиялар, библиографик нашрлар, программали-методик материаллар, тавсиғномалар, йўлланмалар, халқ ижодиёти тупламлари.

### 5. Тавсиғнинг умумий методикаси

Асосий библиографик тавсиғ ҳар қандай кутубхона каталогининг тузилиши учун база бўлиб хизмат қилади. Асосий тавсиғлар етарли эмас. Кўпинча китобхоналар уч авторли китобни иккинчи ёки учинчи авторнинг фамилияси орқали сурайдилар, расмий материалларнинг тавсиғини шу ном остидан қидирадилар ва ҳоказо. Шу тўғрисида алфавитли каталог фондни авторлик белгиси бўйича энг тўлароқ очиб бериши учун унда қўшимча тавсиғлар ва ёрдамчи карточкалар қўлланилади.

Ўзбекистон тавсиғлашнинг умумий қоидалари

Библиографик тавсиғ ўз вазифаси жиҳатидан тавсиғ соҳасига бирлашадиган тавсиғ элементларидан тўраиб топади. Тавсиғ элементлари мажбурий ва факультатив элементларга бўлинади. Элементларнинг тўра йиғиндиси халқаро китоб алмашадиган давлат кутубхонасининг нашрлари, марказлаштирилган каталоглаштириш карточкалари, ахборот нашрлари учун мажбурийдир. Бошқа ҳолларда кенгайтирилган библиографик тавсиғ (мажбурий ва бир неча факультатив элементларни ўз ичига оладиган ёки қисқа (фақат мажбурий элементларни ўз ичига оладиган) библиографик тавсиғ қўлланилади.

Ҳозирги библиографик тавсиғнинг фарқли хусусияти шартли ажратиш белгилари (нуқта, вергул, нуқта ва тире, икки нуқта, параллел аломати, қия чизик ва ҳоказолар) бўлиб, улар тавсиғ соҳалари ва элементларидан олдин келади, уларни ажратиш туради ва тавсиғ элементини билиш имконини беради (у қайси йил да тузилишидан қатъи назар). Тавсиғ соҳалари бир-биридан

(нуқта ва тире) белгиси билан ажралади.

Библиографик ёзув сарлавҳаси библиографик тавсифдан ажралади ва мустақил (факультатив) элементга айланади.

Сарлавҳа — шахсининг номи, ёки ташкилотнинг номи, ёки ҳужжат кўринишдаги белги, ёки библиографик тавсифга эга ҳамда библиографик ёзувларни тартибга солиш ва қидириш учун фойдаланиладиган бошқа маълумотлар қайд этилган библиографик ёзув элементидир. (ГОСТ 7. 0-84). Сарлавҳада келтирилган маълумотга ухшаш белгиларни — саналарни, мутахассисликни, фаолият соҳасини, титул, номер, географик номни қўшедилар.

Китобнинг библиографик тавсифида тавсифнинг етти соҳаси ажратилган:

—Тавсифбоши, асосий сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси;

— Нашр соҳаси;

— Чиқиш маълумотлари соҳаси;

— Миқдорий характеристика соҳаси;

— Серия соҳаси;

— Эслатмалар соҳаси;

— Китобнинг Халқаро стандарт номери, ИСБН баҳоси ва тираж соҳаси.

Тавсифнинг ҳар бир элементига шартли ажратиш белгиси бўлиб, унга қараб, ҳатто тавсиф қайси тилда тузилганини билмай, элементни аниқлаш мумкин. Айрим соҳаларнинг тавсифини (серия, ИСБН, изоҳни) такрорлаш чоғида "нуқта ва тире" белгиси такрорланади; элементларни такрорлаш чоғида улардан олдин келган белги такрорланади. Рус ёки она тилига таржимада тавсиф тузиш имкониятлари ҳақидаги янги низомга эътиборни қарагиш лозим. Стандартда ҳозирги орфографик нормаларига риоя этилиши тўғрисидаги низом жорий қилинган.

Тавсиф боши, асосий сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси — ҳужжат тўғрисидаги асосий маълумотлардан иборат. У сарлавҳа ҳолида унга боғлиқ ҳужжатни тузиш ва уни нашр этишда иштирак этган шахслар, муассасалар тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Асосий сарлавҳа — китобнинг номи тўлалигича келтирилади, чунки у титул варақда берилган. Сарлавҳага оид маълумотлар асосий сарлавҳани очиб беради ва тушунтиради ёки

нашрининг характери ва мақсадини кўрсатади (бошқа сарлавҳа, тур, адабий жанр тўғрисида маълумотлар, қайси китобхонларга мўлжаллангани ва ҳоказолар). Ана шу маълумотлардан ҳар бирининг олди – да икки нуқта ":" белгиси туради. Агар бундай маълумотлар бўлмай, сарлавҳа эса мазмунни очиб бермаса, мактабда ўқийдиган китобхонни нашр тўғрисида тасаввур ҳосил қилиши учун унга қўшимча маълумотлар киритиш лозим. Давобгарлик тўғрисидаги маълумотлар – бу шахслар (авторлар, тузувчилар, редакторлар, таржимонлар, безатувчилар ва ҳоказолар) ёки асар яратилишига ҳисса қўшган ва унинг нашри учун жавобгарлик ҳис этадиган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлардир. Шу маълумотлардан дастлабкилари олдига қия чизиқ "' " қўйилади.

Нашр соҳаси – нашрининг такрорланиши, унинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Ўзув араб рақамидан бошланади. Масалан, "Тўлд. 6= нашри".

Ҷақиш маълумотлари соҳаси – нашр, нашриёт, нашр санаси (йили) тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Нашр жойи (шаҳар) тула ёзилади, Москва, Ленинград шаҳарлари, кутубхона жойлашган республиканинг пойтахти бундан мустаснодир (М., Л., Т.). Нашриёт олдига икки нуқта ":" белгиси қўйилади, нашриёт қисқартирилган формада ёзилади, нашр йили олдига вергул ",", қўйилади: (М.: Книта, 1987).

Ўқидорий характеристика соҳаси – ҳажм (саҳифалар сони), ҳужжат ҳажми, илова қилинадиган материал тўғрисидаги маълумотлардан иборат (214 б. : ИЛ; 28 см. + Атлас).

Серия соҳаси – серияли нашр тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлиб, ҳужжат унинг нашр этилишидир. Бу соҳа: серия сарлавҳасидан, серия, халқаро стандарт серияли номердан; сериянинг нашр этилиш номеридан иборат. Серия соҳаси тавсифи факультативдир.

Эслатмалар соҳаси – библиографик тавсиф соҳаларига ёки умуман ҳужжатга доир қўшимча маълумотлардан иборат (масалан, муқовада автор кўрсатилмаган; – Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига.).

Китобнинг халқаро стандарт номери (ИСБН), нарх ва тираж соҳаси – китобни регистрациядан ўтказиш, китоб алмашиш, китоб савдоси, матбуот статистикаси учун зарур маълумотлардан иборат.

Китобнинг халқаро стандарт номери – регистрация характеридаги ҳарф-рақамли коддир. Биринчи инглизча сўзларнинг аббервиатура-си ва ун рақам киритилади, китобда титул варёғининг орқасида чапдан қўйи бурчакка жойлашади. Эслагмалар соҳаси ва "ИСБН, ба-ҳоси ва тираж соҳаси" учун тавсифларда карточкага иккинчи вер-тикал чизиқдан янги сатрдан ёзилади (Нуқта тире .-) белгиси тушириб қолдирилади .

Болалар кутубхоналарининг ходимлари тузувчининг (яъни ўзига қарашли бўлмаган материаллардан асар тузувчи шахснинг ) номига эътибор беришлари лозим. Янги қойдаларга кўра, тузувчи "индивидуал автор" тушунчасига тенглаштирилмайди, тузувчининг фамилияси остида чиққан материаллар эса сарлавҳа остида тавсиф-ланади.

Бир ёки икки авторли китобни тавсифлаш вақтида уларнинг фамилиялари инициаллари билан тавсиф сарлавҳасида бош келишик-да кўрсатилиб, ", " (вергул) белгиси билан ажратилади. Жавоб-гарлик тўғрисидаги маълумотларда улар қайтарилмайди. Автор фа-милиясидан кейин болаларга шу авторнинг бошқа фамилиядош автор-лардан фарқини аниқловчи белгилар келтирилиши мумкин. Айни ўхшаш белгилар кичик қавсларда бериледи. Автор ҳаётининг са-налари, мутахассисликнинг номи, "ота", "ўғил", "катта", "ки-чик" сўзлари айнан ўхшаш белгилар бўлиши мумкин.

Глазунов А.А. (ота) Соловьев А.И. (география)

Глазунов А.А. (ўғил) Соловьев А.И. (биология)

Барто А.Д. (1906–1981)

Аристотель (384–322 янги эрадан аввал)

Уч авторли китобларни тавсифлаш вақтида биринчи автор фамилияси кўрсатилиб, унга "ва бошқалар" сўзлари қўшилади. Бунда учала автор фамилиялари жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда келтирилади.

	Абдуллаева Қ. ва бошқа.
	Савод ўргатиш дарслари = Уроки обучения грамоте: Уқитувчилар учун методик қўл. (Қ.Абдуллаева, М.Юсупов, Х.Ғуломова.- Т. Уқитувчи, 1986. - 248 б.
	(Муқовада): 45 т., 2500 нусха;
	І. Юсупов М.                      П.Ғуломова Х.
	Ш. Сарл.

Асосий тавсифнинг юза томонида қўшимча ёзувлар тўғрисидаги маълумотлар рим рақамлари билан номерланиб келтирилади.

Икки ва уч авторли китобларни тавсифлашда қўшимча равишда автордошларнинг тавсифи номма=ном келтирилади. Агар авторлар муқовада курсатилмаса, сарлавҳага қўшимча тавсиф бериш керак. Келтирилган мисолда қўшимча тавсиф - "персоналия", яъни китоб бағишланиб ёзилган кишининг фамилияси келтирилиши лозим.

2= авторга қўшимча тавсиф ёзиш намунаси.

	Юсупов М.
	Абдуллаева Қ. ва бошқа.
	Савод ўргатиш дарслари: Уқитувчилар учун методик қўл. -Т., 1986. -
18	

Қўшимча тавсиф сарлавҳасида иккинчи, яна битта карточкада эса - учинчи соавторнинг фамилиялари келтирилади. Асосий тавсифнинг сарлавҳаси ўша формада, ўзгаришларсиз келтирилади.

3= авторга қўшимча тавсиф намунаси

	Ғуломова Х.
	Абдуллаева Қ. ва бошқа.
	Савод ўргатиш дарслари: Уқитувчилар учун методик қўл. -Т., 1986. - 248 б.

Сарлавҳага қўшимча ёзув тасвирдаги учинчи тик чизиқдан бошланади (иккинчи тик чизиқдан 0,5 см жой қолдириб). Агар сарлавҳа сигмаса, унда иккинчи тик чизиқдан ўтилади.

Сарлавҳага қўшимча тавсиф намунаси

Савод ўргатиш дарслари

Абдуллаева Қ. ва бошқ.

Савод ўргатиш дарслари: Ўқитувчилар

учун методик қўлл. -Т., 1986. - 248 б.

Қўшимча тавсиф тузиш учун асосий тавсиф (марказлаштирилган каталоглаштирилган карточкаси) фойдаланилиши мумкин бўлиб, унинг сарлавҳаси устига қўшимча тавсиф сарлавҳаси ёки номи ёзиб қўйилади. Бундай ҳолда асосий тавсиф карточкада қўшимча ёзувнинг бош сўзлари сифатида қабул қилинадиган маълумотлар таъкидланиши мумкин. Масалан, сарлавҳанинг фақат биринчи сўзи юқоридан ёзилади.

Савод

Абдуллаева Қ. ва бошқ.

Савод ўргатиш дарслари = Уроки обу-

чени я грамоте: Ўқитувчилар учун методик

қўлл. (Қ.Абдуллаева, М.Юсупов, Х.Ғулмо-

ва. -Т.: Ўқитувчи, 1986. - 248 б.

(Муқовада): 45 т., 2500 нусха.

Г. Юсупов М. П.Ғулмова Х. Ш.Сарл.

4-5 авторли китобга тавсиф

Тавсиф тузиш қоидаларига биноян тўрт, беш ва undan кўп авторларнинг китобларига сарлавҳа остида тавсиф берилади. Бунда агар улар тўрт киши бўлса, ҳаммаларининг фамилиялари жавобгарлик тўғрисидаги маълумотларда берилади. Агар авторлар тўрттадан кўп бўлса, олдинги учта фамилия "ва бошқалар" сўзлари билан келтирилади. Биринчи авторга ва редакторга қўшимча тав-



сиёф ёзилди.

	Бизнинг қарвон (О.Умаров, О.Холмирза,
	Т.Тешабоев, Т.Холмат. -Т.: Ёш гвардия,
	1973.-79б.: расм.; 17 см.
	25т., 30 000 нусха;

Сарлавҳа остидаги тавсиёф. Тўпламларни тавсиёфлаш қоидалари

Сарлавҳа остидаги ёзув қуйидаги нашр турларига тузилади:

- 1) Турли авторларнинг умумий сарлавҳа остидаги асарлар тўплами. Масалан: Лабиринтс ноци: Повести и рассказы: Пер. с.араб. (Сост. В.Э.Шагаев);
- 2) Турт ва ундан ортиқ авторлар тузган авторлик асарлари (юқорига қаранг);
- 3) Маълумот берувчи нашрлар;
- 4) Дарслиқлар ва ўқув қўлланмалари;
- 5) Крестоматиялар, ўқув текстлари, машқ ва вазифалар тўплами;
- 6) Ахборот нашрлари: библиографик, рефератив, обзор;
- 7) Халқ ижодиёти тўпламлари ва айрим асарлар.

Масалан:

	Французча—русча—ўзбекча иқтисодий-
	сиёсий лугат (Тузув. Қараева М.Х.-Т.:
	Ўқитувчи, 1980.-152 б.
	Ўс.21 т., 60 000 нусха.

Тўпламларнинг библиографик тавсиёфи қоидаларини урганиш чоғида уларнинг турларига алоҳида эътибор бериш керак, чунки тўпламлар болалар ҳамда мактаб кутубхоналари фондларининг каттагина қисмини ташкил қилади.

Тўплам — бир ёки бир неча авторларнинг асарларидан, муайян темада турли расмий, илмий ва ахборот материалларидан

тузилган китобдир.

Тупламлар умумий сарлавхали, умумий сарлавҳасиз тупламлар га бўлинади. Тупламнинг турига қараб у ёки бу тарзда каталоглаштириш қарорига келадилар.

Масалан, авторлик тупламлари одатдаги авторлар китобларининг қойдалари бўйича тавсифланади.

	Ленин В.И.
	Қурашган материализмнинг аҳамияти
	туғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 1969.-63 б.
	(Муқовада): 84 т.

Ёки масалан, умумий сарлавҳасиз авторлик туплами:

	Васильев Борис.
	Тонглэр эди сокин бу ерда...: Қис-
	са; Рўйхатларда Ўқ эди номи: Роман
	(Ҳ. Ғабриелов, Э.Мусоев тарж.-Т.: Ада-
	бий ва санъат нашриёти, 1981. -384 б.
	(Душанбе кутубхонаси. СССР халқ проза
	си)
	(Муқовада): I с. 60 т.

Умумий сарлавҳага эга бўлган турли авторлар асарларининг тупламлари сарлавҳа остида тавсифланади. Тупламнинг мазмунини эслатмалар соҳасида кўрсатилади.

	Камалок: Туплам (Редкол.: Қ.Муҳам-
	мади ва бошқа.; Тупл.; Н.Холлиев, Ё.Оби-
	дов; Сўз боши Ҳ.Назирниязи. -Т.: Ада-
	бий ва санъат нашриёти, 1983.- 288 б.
	(Муқовада): 98 т., 76 500 нусха.

Умумий сарлавҳага эга бўлмаган бир неча авторларнинг асарлари тўпламлари титул varaғида биринчи бўлиб келтирилган автор фамилияси олдига тавсифланади. Кейинроқ сарлавҳа ва жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳасида ҳар бир асарнинг сарлавҳаси жавобгарлик тўғрисида унга алоқадор маълумотлар билан бирга келтирилади. Зарур ҳолда иккинчи ва кейинги асарларга аналитик тавсиф бериллади.

Василе	И.Д.
Бош	Болшебная шкатулка; Артемка в цирке
И.С.	И.С.Иленко. Ташкент – город хлебный
А.Б.	А.Б.Беверов. Мальшок И. Ликотанов. Витя
Мал	Малев в школе и дома: Повести И.Н.Но-
сов	сов. Вступ.ст. И.Мотышова; Ил.Г.Мазурина.-
И.	И.: Дет.лит., 1983. - 702 с., 9 л. ил.;
ДЗ	ДЗ см. -(Б-ка мировой лит. для детей
(Ре	(Ре. Алексеев С.П.; т. 27).
	(В пер.): 2с.20 т. 407 000 нусха.

Куп томли асарларни ва серияли нашрларни тавсифлаш қоидалари

Қатор нашрлар аввал кўриб чиқилган ҳужжатлардан бир қанча том, нашр, китоб, босма бирликларидан иборат бўлиши билан фарқ қилади. Бу нашрларга кўп жилдли ва серияли (вақтли, давом этадиган ва серияли) нашрлар киради. Бу нашрларда бир неча томларнинг мавзудлиги тавсифнинг алоҳида усулини – йиғма тавсифлаш усулини қўллаш имконини беради.

Йиғма тавсифлаш икки қисмдан: умумий қисм ва хусусийдан еки барча томлар бўлгани ҳолда битта умумий қисмдан таркиб топиши мўкин. Умумий қисмда ҳамма еки аксар томлар учун умумий маълумотлар келтирилади. Хусусийда жузъий элементлар бўлиб, айрим томларни харақтерлаб беради. Умумий қисмда тавсифлаш айрим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тавсифлашнинг умумий қоидаларига амал қилади.

Куп томли нашрнинг умумий сарлавҳаси асосий сарлавҳа сифатида келтирилади. Сарлавҳага оид маълумот: иргә нашр неча

жилда чиққани тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Нашр маълумотлари соҳасида биринчи ва охириги томнинг чиққи йиллари тире белгиси билан қўшилиб кўрсатилади ёки агар томлар бир йил мобайнида босилиб чиққан бўлса, уша йил кўрсатилади. Тула бўлмаган комплектни тавсифлашда энг аввалги йил ва тире белгиси қўйилади. Миқдорий характеристикада барча томларда бир хил бўлган нашр размери ҳақидаги маълумотлардан ташқари ҳажм тўғрисидаги маълумотлар тушириб қолдирилади.

Хусусий умумий қисмдан кейин янги сатрдан ёзилади. Айрим томлар тўғрисидаги маълумотлар янги сатрдан ёки кетма-кет ёзилади. Кетма-кет ёзилганда томлар тўғрисидаги маълумотлар нуктали вергул билан ажратилади. Умумий қисмда бўлганидек, хусусийда ҳам турли соҳаларга доир элементларнинг нуктали тире билан ажратилиши стандартда белгиланган. Баъзан нукта ва тирени вергул билан алмаштиришга ҳам йўл қўйилади. Том номеридан кейин, томнинг ички сарлавҳаси олдидан икки нукта қўйилади.

	Толетой Л.Н.
	Танланган асарлар: 5 жилдлик. -Т.:
	Адабиёт ва санъат нашриети. 1978-1982.
	А.2: Уруш ва тинчлик. I ва II китоб
тоб	-1979.-7826. -I с.2I т.
	Б.3: Уруш ва тинчлик. III-IV китоб.-
	1980. - 85I6. - I с. 48 т.

Кўпгина ҳолларда кутубхоналар тула бўлмаган комплектларга ёки кўп томли нашрларнинг чала томларига эга бўлишади. Бунда ҳар бир томга индивидуал тавсиф берилади. Алоҳида том тавсифининг уч варианты бўлиши мумкин. Умумий қисм ва хусусийдан иборат тавсиф варианты (йигма тавсиф) энг кўп қўлланилади (юқоридаги мисол).

Иккинчи вариант. Кўп томли нашрнинг умумий сарлавҳаси остида томнинг тавсифи айрим нашрлар тавсифи қоидалари бўйича тузиллиши мумкин. Асосий сарлавҳа сифатида кўп томлининг умумий сарлавҳаси, томнинг номери ва унинг ички сарлавҳаси келтирилади.

ди.

Гол.той Л.Н.	
Танланган асарлар: 5 жилдлик, №.2.	
Уруш ва тинчлик: I ва II китоб. -Т.:	
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. - 782 б.	
I с. 2I т.	

Учинчи вариант: Томнинг ички сарлавҳаси орқали берилади. Бундай ҳоде томнинг асосий сарлавҳаси бош сарлавҳа сифатида келтирилади. Кўп томликнинг умумий сарлавҳаси ва томнинг номери серия соҳасида келтирилади.

Гол.той Л.Н.	
Уруш ва тинчлик; I ва II китоб.- Т.:	
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.-782 б.-	
(Танланган асарлар: 5 жилдлик; №.2).	
I с. 2I т.      I с. 2I т.	

Серияли нашрлар шунга ўхшаш тарзда тавсифланади. Серияли нашрлар тавсифи ёрдамчи тавсиф бўлиб, йиғма тавсиф усулида тузилади. Серияли нашрга йиғма библиографик тавсиф тузилади. Нашрнинг алоҳида номерига (чиқишига) кўп томли нашрнинг айрим томини ёзиш қоидалари бўйича тавсиф тузилади. Серияли нашрлар тўлдирилиши жиҳатидан кўп томликларни тавсифлаш схемасидан бирмунча фарқ қиладиган йиғма тавсиф схемаси бўйича тавсифланади. Йиғма тавсиф икки қисмдан: умумий қисм ва хусусийдан иборат. Йиғма тавсиф битта умумий қисмдан ёки иккидан ортиқ қисмдан тузилиши мумкин. (Масалан, кичик серияларда ёки бўлимларда чиқадиغان нашрларни тавсифлаш чоғида).

Серияли нашрлар учун сарлавҳа сифатида олектив авторнинг сарлавҳаси ва форманинг сарлавҳаси қулланилади. Сарлавҳа

жавобгарлик тўғрисидаги маълумотлар соҳаси серияли нашр сарлавҳасидан ва шунга доир маълумотлардан, шунингдек нашрни тайёрлашда иштирок этган муассасалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлардан тузилади. Асосий сарлавҳа ўз характери ва соҳага кўра турлича бўлиши мумкин.

	Сводат. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ойлик иқтимоий-сиёсий, адабий-бадбий хотин-қизлар журн. - 1925. -
	-Т.: КП Марказий Комитети нашр.
1925	-1987 -Ойлик. - 2555 № 0134-2223:
20 т	
	1979, № 2-10.-766677 нуска; 1982,
№ 1	12.-766 000 нуска; 1986. № 1-2.-
365	000 нуска.

	<u>Ежегодник</u>
	Прометей: Ист.-библиогр. альм. сер.
	"Жизнь замечательных людей." - т. I. - ... - М.:
	Мол. гвардия, 1966. - ... - 22 см.
	100 000 нуска.
	т. I. - 1966. - 367 с.: ил. - Ир. 17 к.; т. 2. -
1967	- 368 с.: ил, портр. - Ир. 27к.; т. 12. -
2 ил.	- 1977. - 365 с.: ил. - Ир 65к. - 150-
	- летия со дня рождения Л.Н. Толстого посвящается

Нашр соҳасидан кейин: умумий қисмда номерлаш соҳаси келди. Бу биринчи ва охириги чиққан кўмерлар ҳамда нашрнинг бошланғиш ва тўхтатилиш саналари тўғрисидаги маълумотлардир. Умумий қисм серияли нашрнинг халқаро стандарт номери (ИССН) нарҳ ва тираж соҳаси билан тугайди. ИССН - бу регистрация характе-

ридаги ҳарф-рақам коди бўлиб, саккизта рақамни ўз ичига олади, нашрда муқованинг ёқоридан унғ бурчагида жойлаштирилади.

Ҳужжатнинг таркибий қисмини тавсифлаш (Аналитик тавсиф)

Болалар ҳамда мактаб кутубхоналарида аналитик тавсиф деярли барча каталог ва картотекаларда қўлланилади. ГОСТга мувофиқ, агар таркибий қисм сарлавҳа ва (ёки) авторга эга бўлсагина аналитик тавсиф тузилади. Нашрнинг таркибий қисмларига қуйидагилар киради: мустақил асарлар (мақола, доклад, тақриз, повесть, ҳикоя ёки бошқа материал); асарнинг мустақил сарлавҳага эга бўлган қисми (боб, бўлим, параграф ва бошқалар). Нашрнинг таркибий қисмига аналитик тавсиф тузилади. Ҳужжат қисмини тавсифлаш структураси "мустаҳкамланди". У икки қисмдан тузилади: биринчиси - ҳужжатнинг қисми тўғрисидаги маълумотлар, иккинчиси - шу қисм жойлашган ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар. Бу икки қисм янги ажратиш белгиси "//" (икки қия чизиқ) билан ажратилади.

Аналитик-библиографик тавсиф схемаси

Ҳужжатнинг таркибий қисми тўғрисида маълумотлар // Таркибий қисм жойлашган ҳужжат тўғрисида маълумотлар. -Эслатмалар.

Таркибий қисми тавсифлашда шартли ажратиш белгилари умумий қоидалар буйича қўлланилади. Эслатмалар нашр тўғрисидаги маълумотлардан олдин кетма-кет ёки янги сатрдан ёзилади. Кетма-кет ёзилганда эслатмалардан олдин нукта ва тире қўйилади.

Ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар унинг турига қараб, ГОСТнинг 2-6- бўлимида белгиланган қоидалар асосида келтирилади. Кўп томли ёки серияли нашрнинг мақолаларини тавсифлашда номер (чиқиш) доим томнинг нашр этилиш санасидан кейин қелтирилишига эътибор бериш лозим.

Тавсифлаш намуналари:

Толстой Л.Н.	
Анна Каренина: Роман. // Танланган асарлар: 5 жилдлик. -Т., 1980. -ш.4.-	
Л. -1041.	

Девин В.И.
Саноат судлари ҳақида // Тула асар-
ля тўпләми. -Ж.4. - Б.379-334.

Шериев Ш.
Куюк эътиқоднинг улкан тантанаси
// Илхан. - 1987 - № 5. -Б.2-3.

### П. Болалар адабиётини системалаштириш

Системалаштириш кутубхона-библиография классификациясининг муайян системаси жадвалларига кўра нашриёт асарлари ёки бошқа ҳужжатнинг классификация индексичи уларнинг мазмунига мувофиқ тарзда аниқлашдир. Болалар кутубхоналарида системалаштириш "Кутубхона-библиография классификацияси. Болалар ва мактаб кутубхоналари учун жадваллар" нашрига кўра ўтказилади.

Системалаштиришнинг вазифаси – муайян МКС учун зарур бўлган даражада тўла ва аниқлик билан систематик каталогларни яратиш ва фойдаланиш, фондларни систематик тартибда ташкил этиш мақсадларини кўзлаб ҳужжат мазмунини классификация индекслари тарзида тақдим этишдан иборат. Бу вазифа классификациянинг иш жадваллари ёрдамида бажарилади, мазкур жадваллар муайян системали каталог ҳамда конкрет фондларни системали жойлаштириш структураси ва тафсилот кўламининг хусусиятларини ақс эттиради. Классификациянинг иш жадваллари – КЎКнинг босмаҳонала чиқарилган жадвалларини аниқлаш ва қайта ишлаш натижасидир: қайси рубрикаларнинг тавсифотини берил лозимлиги, қайсиларидан эса системали каталогларда фойдаланиш кераклиги, қайси бирилари эса китобларни системали жойлаштирилиши учун қўлланилиши лозимлиги белгилаб қўйилади: рубрикаларнинг методик кўрсатмаларига ўзгартишлар киритилади. Республика кутубхоналари Ўзбекистон тарихи, экономикаси, сиёсати ва маданиятига бағишланган буюмларни батафсилроқ ишлаб чиқиши керак. МКС шароити



даги жадвалларни аниқлаш методикаси К.Л.Воронкиннг дарслиги (Организация Библиотечных фондов и каталогов) —М., 1981. —143—145-бетлар)да батафсил баён этилган.

Системалаштириш жараёнининг мазмуни "Системалаштириш. Умумий талаблар". 7.44—44 давлат стандарти билан тартибга солинади.

Системалаштириш бир—бири билан боғлиқ бўлган ва кетма—кет келадиган қўйидаги босқичлардан иборатдир: нашр ёки бошқа ҳужжатнинг таҳлили, классификация қарорига келиш, АПК ва СК учун предмет рубрикалари тузиш ва ёзиш, классификация индексларини ва предмет рубрикаларини таҳлил этиш, классификация қарорини ёзил.

Ҳужжат таҳлили ҳужжат билан бевосита танишиш асосида асосий классификация қарорларини аниқлаш ва баҳо беришдир. Таҳлил утказиш учун ҳужжатнинг барча элементлари манба бўлиб ҳисобланади, бу элементлар унинг мазмуни, Ғоявий йуналиши, формаси ва ўқувчиларнинг қайси тоифасига мўлжалланганлигини аниқлашга имкон беради. Ҳужжатни таҳлил этиш натижасида оғзаки равишда дастлабки классификацион қарорлар тузилади.

Ҳужжатни таҳлил этиш қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Ҳужжат билан бевосита танишув;
2. Классификация аломатларини аниқлаш;
3. Классификация аломатларига баҳо бериш, асосий аломатларини илғаб олиш;
4. Дастлабки классификация қарорини ёзиш.

Ҳужжатни таҳлил этаётган систематизатор титул varaғини, агар бу китоб ёки брошюра бўлса, урганиши лозим; муаллифлар, тузувчилар, муҳаррирлар тўғрисидаги маълумотларни; номидан ёки яштираки билан китоб чоп этилган муассаса номини; китобнинг асосий сарлавҳаси мазмунини очиб берадиган ёки тушунтириб берадиган маълумотларни ҳисобга олиш керак. Нашриёт аннотацияси, китоб мундарижаси ва мазмунини, муқаддимани, мақолани, сўнги сўзни, сўз бошини, адабиётлар руйхатини ўқиб чиқиши лозим. Тафсилотлар ёзилган каталог карточкаси макети (китобга киритилган бўлади), китобдаги безаш материаллари билан танишиши муҳимдир. Систематизатор китобдаги қайта нашр тўғрисидаги маълумотларга эътибор беради ва илгариги нашр кутубхонада

булса, у ҳолда мавжуд индексдан фойдаланиши мумкин.

Адабиётлар руйхатиغا киритилган манбалар ёрдамида система тизатор мазкур китоб билимнинг қанси соҳасига оидлигини тўғри аниқлаб олади.

Таҳлил жарёнида классификация жадваллари, справка фонди, алфавит ва системали каталоглардан фойдаланилади. Зарур бўлиб қолганида систематизатор маслаҳатчиларга мурожаат этади.

Китоб мазмуни билан танишиш натижасида систематизатор изчиллик билан предметнинг асосий мавзусини, предметнинг урганиш жиҳатини; билим соҳасини; қўлланиш соҳасини; предметдан фойдаланишни; китоб қайси тоифадаги китобхонларга мўлжалланганлигини, бу мўлжал формаси ва мақсадини аниқлайди.

Классификация қарорига келиш бу дастлабки классификация қарорининг классификация индексига айланишидир, мазкур индекслар эса КБК жадваллар орқали қидириб топилади.

Классификация қарори тула индекс таркибига кирадиган битта ёки бир неча классификация индексларини акс эттиради. Мараённинг вазифаси дастлабки классификация қарорини ҳужжатнинг тула индексига айлантиришдан иборатдир.

Агар китобда марказлаштирилган системалаш индекслари бўлмаса, зарур индексларни КБК дан қидира бошлаш керак. Бунинг учун тайёр методик ечишлар, классификация формулалари, методик аппаратдан фойдаланиш муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси тула индекс тузишга имкон беради. Марказлаштирилган системалаш индекслари булса, уларни тула ёзиб чиқиш ҳамда тўлдириш, аниқлаш, қисқартириш ва муайян кутубхона фонднинг катта-кичиклиги ва таркибига қараб ҳамда ўқувчиларнинг эҳтиёжига кўра тула индекс тузиш лозим.

Индексларни икки хил йўл билан қидириш мумкин: дастлабки қарорни классификация жадваллари билан ёки АПК ва КБК ёрдамида, албатта, асосий жадвалларга мурожаат қилиш билан ўзаро кетма-кет солиштириб чиқилади. АПК индексларидан уларни асосий жадваллар билан текширмай фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Биринчи усулда систематизатор жадвалларни тез урганиб олади, уларни тузиш мантиқини аниқлайди. АПК ва КБК бўйича қидириб топиш, тез ва жўн кўришсада, кўпинча методик хатоликлар-

га олиб келади. Систематизатор АПК уни қайси фан билимининг қайси соҳасига йўлланганлигини аниқлаб олиши ва ҳужжат мазмуни га ниҳоятда тула мурожаат қиладиган билим соҳасини танлаб олиб, классификациянинг асосий жадваллари тексига мурожаат қилиши керак. Бу Уринда топилган индекс методик кўрсатмаларининггина эмас, балки юқори бўлинулари ҳам ўрганиш зарур.

Китобга қўйилган классификация индекслари ҳаво бўлиши мумкин, шунинг учун уларни жадваллардан текшириб кўриш керак. Систематизаторнинг дастлабки классификация қарори китоб индексиданидан ўзгача зиниб қолса, кўшимча таҳлил талаб этилади. У бақарилган иш натажасида тула тузилади, битта ва бир нечта индекслардан таркиб топилган бўлиши мумкин. Агар бир неча индекслардан таркиб топилган бўлса, биринчи-асосий индексни танлаб олишга алоҳида эътибор берилади, худди ана шу индекс, агар кутубхонадаги фондлар система билан жойлаштирилган бўлса китобнинг фондаги ўринини белгилаб беради.

АПК доимий тулдирлиб борилади. Кўрсаткичнинг предмет рубрикалари китобларни системалаштириш билан бир вақтга тузилади. АПК картотекалари билан бир вақтда СНК (системали назорат карто-текаси) тузилади, СНК систематизаторнинг ёрдамчи амалий қўлланмасидир. СНКга АПКнинг предмет рубрикалари уларнинг классификация индексларига кўра систематик тартибда ўрнатилади. СНКнинг бир индекси остида АПКнинг бир нечта рубрикалари тузилади. Инги рубрикалар жорий этилган система билан таққослаб кўрилади, СНК ёрдамида АПК таҳрир этилади. Бунинг учун СНК тузилади, у тула ҳақиқат АПК ни аниқ эттириши керак, шундан кейин аниқ каталог ҳар бир бўлинулариининг тулдирлиши таҳлил этилади, китобларнинг мазмуни АПК даги рубрикалар билан таққосланади. Мураккаб ҳолатларда бевосита китобга мурожаат этилади, чунки бундай вақтларда картотекадаги библиографик ёзувлар ва классификация индекси кифоя қилмай қолади.

АПКни систематизатор ва библиографлар тузадилар. СК га предмет рубрикаларини систематизаторлар, маюколаларнинг систематик картотекаси, ўлкашунослик картотекасига предмет рубрикаларини библиографлар тузадилар. Бунда улар ягона СНКга мурожаат этишлари мумкин.

АПК ни олиб бориш учун масъулият комплекшлаш ва қайта ишлаш бўлими ходимларидан бири зиммасига юкланиши мумкин.

Бу ходим қўлига предмет рубрикалари ёзилган карточкалар келиб тушади. Рубрикалар таҳрир қилинади (тақлиф этилган ибораларнинг туғрилиги лугатлар ва сўрловчиликларга қараб текширилади, грамматик формалар – сон, келишик, қабул қилинган қисқартмалар, саналар ёзилишининг туғрилиги ва бошқалар текширилади). Зарур бўлиб қолса махсус рубрикалар очилади. АПК да жорий этилган рубрикалар СНК да акс этади.

АПК ни ёзиш ва карточкаларни жойлаштириш алфавитли каталогни ташкил этиш ва юритиш қондаларига кўра олиб борилади. Каталог яшиқларининг этикеткалари худди алфавитли каталогдагидек ёзилади.

Классификация индекслари ва АПК предмет рубрикаларини таҳрир этиш жараёни баҳарилиши лозим бўлган ишлардандир.

Бундан кўзда тутилган мақсад методик ёки техникавий хатоларга барҳам бериш, системалаштириш сифатини ошириш, бинобарин СК ва АПК сифатини оширишдан ва пировордда китобхонларга хизмат қилишни яхшилашдан иборатдир. Энди таҳрирни ташкил этиш, қандай текстнинг таҳрир қилиниши лозимлиги ва таҳрир технологияси масалаларини кўриб чиқамиз.

Кичикроқ болалар кутубхонасида систематизаторнинг ўзи муҳаррир вазифасини ҳам бажаради. Агар систематизаторлар бир нечта бўлса, улар навбат билан, белгилан кўрилган графикка кўра муҳаррирлик қилишади.

Мазмунига кўра муҳаррирлик техникавий ва методик муҳаррирлик бўлиши мумкин. Техникавий (ёки назорат) таҳрирдан кўзга тутилган мақсад классификация индексларини ёзиш ва яхшироқлашда хатоларга йўл қўймасликдан иборат, бундан таҳрир ҳар бир кутубхонада тула ҳажмда утказилади, янги ходимларнинг классификация қарорлари ҳам уларни ишга ўргатиш чоғида таҳрир этилиши керак. Техникавий таҳрир чоғида куптини методик хатоларни, шунингдек бошқа хатолар (мазмуннинг нотўғри акс этиши ёки унинг тулиқ бўлмаслиги, қарорда бошқача классификация аломатларининг акс этмаганлиги ва бошқалар) аниқлашиб, тузатилиши мумкин.

Методик таҳрир системалаштириш объектини батафсил таҳлил этишни талаб этади ва танлаб ўтказилиши мумкин. Ўз таркибига тармоқ, тармоқлараро проблемаларни ва комплекс проблемаларни оладиган таҳрир программасига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир,

бу программага СК да кўп марта ақс этган ёки СКда территориал аломатлари ақс этган методик характердиги айрим масалалар ҳам қириши мумкин.

Методик таҳрир чоғида (МЕК) - методик ечимлар картотека-сидан фойдаланилади. Методик ечимлар картотекасида мураккаб ҳоллар учун классификация қарорлари ақс этган бўлади.

Классификация қарори текшириб чиқилганидан кейин уни жиҳозлаш керак.

Классификация қарорини расмийлаштириш - ҳужжатнинг библиографик ёзувида кутубхоналар қабул қилинган қоидаларга кўра классификация индексларини қўйиб чиқилган иборат. Айни вақтда СНК дан олинган АПК карточкалари ҳам ёзилади.

Классификация қарорини ёзиш ёки расмийлаштириш - техникавий жараён бўлиб тула ва каталог индексларини карточкаларга белгилашдан, фондларни систематик жойлаштириш пайтида эса тоқча индексини қўйишдан иборат.

Батафсил индекс АҚ ва СК асосий карточкаларининг олди томонида, пастдаги унги бурчакка ёзилади. Каталог карточкалари кўлдан жиҳозланаётганида қўшимча карточкаларга тула индекс қўйилмайди.

Тула индексда бир неча классификация индекслари бўлганида уларнинг биринчиси, яъни асосийси кейингиси (қўшимчаси) дан "плжс" (+) билан ажратилади. Шундан кейин келадиган ҳар бир қўшимча индекс олдида ҳам ана шу белги қўйилади. Биринчи сатрдан иккинчи сатрга бутун индексларни утказишга йўл қўйилди (аммо уларнинг қисмлари ёки элементларини утказиш мумкин эмас). Бу ҳолда сатрнинг охирига албатта "мусбат" (+) аломати қўйилиши керак.

Библиографик ёзув (ББ) иккинчи ва шундан кейинги карточкаларга кўчирилганида тула индекс фақат сўнгги карточкага қўйилади.

СК ҳар бир карточкасининг чап томондаги бурчагига тула индекс қўйилган сатрга каталог индекси ёзилади. Индексларни пастдан учинчи қатордан қўйишга қўйиш тавсия этилмайди, чунки уни китобхон кўриши керак. Агар библиографик тавсиф карточкадан бир неча сатрни эгалласа, тула ва каталог индексларини одатдагидан кўра иқориққа жойлаштириш мумкин, аммо биб-

лиог рафiк тавсифнинг сунтги сатри билан индекслар оралигида битта сатр бoш қолиши керак.

Фонд системали тартибда жойлаштирилганида тоқча индекси асосий индекста мос тушиши керак. Унинг деталлашуви эса классификациянинг иш жадвалларига қараб аниқланади. Тоқча индекси АК ва СК карточкаларининг оқори чап бурчагининг биринчи сатрига қўйилади.

Агар ББ иккинчи ва шундан кейинги карточкаларга утказилса, тоқча индекси ҳар бир карточкага қўйилади. Худди шу тартибда СК га киритиладиган ҳар бир карточкага каталог индекси қўйиб чиқилади. Марказлаштирилган каталоглаштиришнинг босма каталог карточкаларидан фойдаланилганда систематизатор қарорига мос тушадиган ва иш жадвалларига мувофиқ булган индекснинг бир қисмининг тагига чизиб қўйилиши мумкин.

АПК ва СНК учун карточкалар ёзиш ББ ни ёзиш билан бир вақтда утказилади. АПК карточкасида битта предмет рубрикаси ёзилади (бу рубрикада бир неча кичик сарлавҳалар бўлиши мумкин), айни вақтда СНК карточкасида классификация ишчи жадвалларининг битта индекси остида турли вақтларда тузилган бир неча предмет рубрикалари тулланиши мумкин. Яна шуни таъкидлашимиз керакки, СНК иш устидаги дастурдир, у систематизаторнинг иш жойига яқин қўйилади ва булимда бир неча систематизатор ишлаётган бўлса, бир неча тегишли қисмларга бўлиниши мумкин.

Систематизатор ишида иш апарати бўлиши зарур. Бу апарат таркибига классификациянинг иш жадваллари булган методик апарат, шунингдек классификация жадвалларининг бошқа нашлари; системалаштиришнинг умумий ва хусусий методикаси бўйича қўлланмалар; дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг методик бўлимлари; айрим масалалар бўйича методик тавсифлар; иш АПК си (унга СНК ҳам илова қилинади); методик ечимлар картотекаси (МЭК) киради.

Методик қўлланмалардан фарқли равишда (уларнинг кўпчилиги ўз структурасига кўра турли методик қарорларга кенгайтирилган шарҳлардан иборат) ҳар бир конкрет кутубхонадаги МЭК шу жой практикаси ва шу кутубхонада ишлаб чиқилган, қабул қилинган ва амал қилаётган ечимларни ақс эттириш керак. Илгари эълон қилинган қўлланма, консультация ёки мақоладаги қарорларнинг

МБКга киритилганлиги ушбу кутубхонада бунга амал қилаётганлигини аниқлатади.

КБСнинг методик ашарати методик ҳарактердаги кириш сўзидан, фойдаланилган справка аппаратида (бу аппаратда класси-фикация бўлимлари уртасидаги алоқа ва ажратиш қайд этилган), методик кўрсатмалар ва справка жадвалларидан, шунингдек АПК дан иборат. Жадваллардаги методик аппаратнинг таркиби, хусусиятлари ва имкониятларини билиш – систематизаторнинг энг муҳим касб фазилатиدير.

Болалар ва мактаб кутубхоналари учун КБС жадваллари "Жадваллардан фойдаланиш изасидан кутубхоначиларга методик кўрсатмалар" ҳамда илова, яъни, Маркс, Энгельс, Ленин асарлари айрим нашрларининг рўйхати (улар учун тўла индекслар кўрсатилади) билан таъминланади.

Систематизаторга классификация жадвалларидаги АПК катта ёрдам беради. Унда предмет рубрикалари билан ифодиланадиган объектларнинг номи кичик рубрикалар билан ифодиланадиган жараёнлар билан бир жойда бирлаштирилади. Кўрсаткичда материални уқштиришнинг ана шу усули унда жадвалларда берилганидан фаркли равишда билимларнинг жамини ўзаро алоқаларда кўрсатиш имконини беради, уларнинг предмет алоқаларини кўрсатади ҳамда билимнинг турли соҳаларини ўрганиш предмети бўлган барча объектларни икки қисмда: предмет бўйича кўрсаткичларда, система бўйича жадвалларда акс эттиради. Бунда классификация системасининг икки қисмидан – жадваллар ва кўрсаткичлардан бир-бири билан ўзвий боғланган бую-бутун предмет пайдо бўлади.

Систематизаторнинг справка аппарати таркибига справка нашрлари (билимнинг қўл остидаги фонди) ва систематизатор тузган турли справка картотекалари киреди. Систематизаторга иш жараёнида совет энциклопедик лугати, С.И.Ожеговнинг рус тили лугати, чет тили сўзлари лугати, янги сўзлар ва атамалар лугати, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча сўзлар лугатлари катта ёрдам беради.

Болалар кутубхонасининг систематизатори ихтиёрида дунё ва СССРнинг географик атласлари бўлиши керак, булар территория аломатига эга бўлганида классификация ечимининг тўғрилигини текширишга ёки аниқлашга имкон беради.

## I. Кутубхона – библиография классификацияси

Болалар ва мактаб кутубхонаси учун ҳадваллар китоблари замонавий системалаштиришнинг негизидир. Бу қўлланма замонавий билимларнинг ютуқларини ва энг янги даражасини, давримиз ижтимоий ҳаётидаги туб ўзгаришларни марксча=ленинча классификациялаш негизда тузилган.

КБК бўлимларини илмий асосда группалаш ва жойлаштириш катта маърифий аҳамиятга эгадир, бу билимнинг ҳар бир соҳасига муайян ўрин тасодифий берилмаётганини ишонarli тарзда кўрсатади. Асосий ҳадвалларнинг фан туркумлари бўйича бўлинишини гуруҳларга ажратилиши тезда кўзга ташланади ва илғаб олинади

КБК ( бўлинишнинг биринчи ва иккинчи босқичлари );

1. К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин. Марксизм=ленинизм.

2. Табиий фанлар (табиат тўғрисидаги фанлар).

3. Техника, Техника фанлари.

4. Қишлоқ хўжалиги ва урмон хўжалиги.

5. Соғлиқни сақлаш. Медицина.

6/8. Ижтимоий ва гуманитар фанлар.

60. Умумий ижтимоий фанлар. Ҷамиятшунослик.

63. Тарих.

65. Экономика.

66. Сўёсат.

67. Давлат ва ҳуқуқ.

68. Ҳарбий фанлар. Ҳарбий иш.

70/79. Маданият. фан. Маориф.

80/94. Филология. Ҷадий адабиёт.

85. Санъат.

86. Атеизм. Дин.

87. Фалсафа.

88. Психология.

9. Универсал мазмундаги адабиёт. Уйинлар, кўнгилхушликлар ва ҳоказо тўпламлар.

Классификация янги системасининг маркуравий йуналиши, унинг партиядийлиги "К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин. Марксизм=ленинизм" бўлимининг асосий қаторида етакчи ўрин эгаллаши таъкидланади. Бу бўлимининг асосий қаторда биринчи ўринда туриши марксизм=ленинизм табиат, ҷамият ва инсон тафаккурининг асосий



қонунлари тўғрисидаги фан бўлганлиги билан ҳам изоҳланади.

Илим-фаннинг изчиллиги билимларни маркча = ленинча клас сификациялашнинг энг муҳим принципларига – объективлик ва тарихийлик принципларига мувофиқлигига қараб таъминланади. Билим соҳалари туркумлар бўйича аниқ-пухта гуруҳлаштирилган бўлиб, табиати ўрганидиган фанлардан жамиятни ўрганидиган фанларга ўтиб кетма-кет жойлаштирилган. Табиат ҳақидаги фанлар билан жамият ҳақидаги фанлар ўртасида кишилиқ жамиятининг табиатга таъсир қилиш воситалари ва қонунларини ўрганидиган техника, қишлоқ хўжалиги, медицина сингари амалий билимлар жойлашади. Улар табиат ҳақидаги фан туркумларини жамият ҳақидаги фан туркумлари билан ўзаро боғлайди.

Асосий қатор умумий универсал мазмундаги адабиётга: биб-лиографик қўлланмалар, справочник характеридаги нашрларга бағишланган бўлим билан яқунланади. Айрим туркумлар ўртасидаги фанларнинг бирин-кетин жойлашуви ҳам тасодифий эмас. Масалан, табиат ҳақидаги фанлар у ўрганидиган материя ҳаракати формаларига мувофиқ тарзда, яъни ноорганик табиат фанларидан материя ҳаракатининг мураккаброқ формалари бўлган тирик организмлар тўғрисидаги фанларга ўтиб боради.

Амалий билимлар туркумида ҳам соддаликдан мураккаблиқ сари худди ана ўша тартиб (бирин-кетинлик)га риоя этилади: аввало, асосан ноорганик дунё қонунларидан фойдаланадиган техника фанлари, сунгра эса усимлик дунёси ва ҳайвонот дунёсининг тараққиёт қонунлари билан иш кўрадиган қишлоқ хўжалиқ ва ўрмон хўжалиги ва ниҳоят, энг мураккаб тирик организм=одамни ўрганидиган ва унга таъсир этадиган медицина фанлари келади.

Ижтимоий фанлар гуруҳ=гуруҳларга бўлиниб, марксизм=ленинизмнинг жамият тўғрисидаги таълимотига мувофиқ тарзда жойлаштирилган: аввало, фанларнинг социал=иқтисодий гуруҳи келади, бу фанлар жамият Базиси ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ўрганади, улар билан алоқадор ва уларга боғлиқдир. Шундан кейин эса устқурма=ижтимоий онг, маданият, тафаккурни ўрганидиган фанлар жойлаштирилади.

Жадваллар структурасини асосий жадваллар (бир қанча кент бўлинмалар уларнинг асосини ташкил этади), умумий, территориал махсус типовой бўлинмаларнинг ёрдамчи жадваллари, СССР халқлари адабиёти белгиларининг рўйхати, АПК: жадваллардан

фойдаланиш учун кутубхоначиларга методик курсатмалар (уларда системалаштиришнинг қоидалари батафсил тушунтириб берилган) ташкил этади.

КБК нинг болалар ва мактаб кутубхоналари учун жадваллари— га қуйидагилар илова қилинади: 1) 8–9 ёшдаги ўқувчилар учун СК адабиёти структураси; 2) 10–11 ёшдаги ўқувчилар учун СК адабиёти структураси; 3) болалар китобхонлиги раҳбарлари учун СК адабиёти структураси; 4) мактаб кутубхоналарида ўқитувчилар учун илмий методик ва педагогик адабиёт учун СК структураси; 5) нота нашрлари СК структураси; 6) ёзиб олинган асарлар СК структураси; 7) тула индекслари курсатилиб, юқори синф ўқувчилари учун тавсия этилаётган К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин асарлари рўйхати; 8) тула индекслари курсатилиб, урга мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган марказий журналлар рўйхати.

Жадвалларнинг асосий тексти 12–14 ёшдаги ўқувчилар учун фондлар, систематик каталоглар ва картотекалар ташкил этиш учун мўлжалланган. Бу универсал классификациядир.

Жадваллар оммавий кутубхоналар учун КБК варианты билан ягона негизга эга бўлиб, уларга лқинлаштирилган. Аммо рубрика танлаш ва уларни фойдалашда болалар кутубхоналарига мўлжалланган жадвалларнинг ўзига хослиги сезилиб қолади. Ана шу жадвалларнинг ўзига хослиги мактаб программаларининг таъсири, болалар адабиётининг мазмуни, ўсмир китобхонлар психологиясининг хусусиятлари, уларнинг билим олиш имкониятлари ва қизиқишлари билан изоҳланади. Бир томондан, жадвалларда тор касб—корга оид, илм—фанга оид адабиётлар учун рубрикалар киритилмаган; иккинчи томондан эса, жадвалларга мактабдаги таълимга ёрдам берадиган адабиётлар учун, болаларнинг жамоатчилик ташкилотлари туғрисидаги китоблар учун тўлиқ ишланган бўлишмалар киритилган, шунингдек мактаб ўқувчилари қизиқиши ҳисобга олиниб, бошқа характерли рубрикалар ҳам берилган: "85.34. байрамлар, арча байрамлари, карнаваллар", "99.2.ўйинлар, кўнгил очар ўйинлар, буюмлар ясаш тўпламлари" ва болқалар шулар жумласидандир.

Болалар кутубхонаси учун КБК жадваллари терминологияси ҳам ўзига хосдир. Амалий билимлар бўлишларида тор касб—корга оид техника, қишлоқ хўжалик терминологияси деярли қўлланилмайди. Илмий, тушунилиши қийин бўлган терминлар, рубрикаларни

ифода этилаётганида одатда қавс ичига олиниб изоҳланади: "26.22. Гидрология (табиий сувлар ҳақидаги фан)", "52.5. Умумий паталогия (касалликлар ҳақидаги таълимот)", "87.8. Эстетика (гўзаллик ҳақидаги, баъдий ижоднинг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан)".

Болалар ва мактаб кутубхоналари учун КК вариантынинг ўзига хос хусусияти мазмун ва форма аломатлари қайта-қайта такрорланадиган, матбуот асарларининг кўп жиҳатларини ақс эттиришга мўлжалланган типовой бўлиномаларнинг танлаб олинишида ҳам сезилади. Масалан, бунга оммавий кутубхоналарга мўлжалланган жадваллардан қуйидаги умумий типовой бўлиномалар киритилди:

- в. Илим – фан методологияси.
- х. Илмий ва маданий алоқалар.
- у. Ихтирочилик, рационализовчилик. Патент иши.

Аmmo оммавий кутубхоналар вариантыда бўлмаган, лекин болалар учун адабиёт характериغا эга бўлган ва маъмур адабиётга китобхоналарнинг ниҳоятда қизиқишига мос тушадиган "я 92. Болалар ва ўсмирларнинг мустақиллиги" типовой бўлим ҳам киритилди.

АККнинг ўзига хос хусусияти умуман жадвалларнинг мазмуни, рубрикаларнинг ифодаланиши билан боғлиқ. Масалан, курсаткича техниканинг тор тармоқларига оид терминлар йўқ. Шунингдек, оммавий кутубхоналар учун чиқарилган жадвалларда медицина, қишлоқ хўжалиги терминлари ҳам йўқ. Бунинг ўрнига, мактабда утиладиган фанларга тааллуқли тушунчалар, жумладан, биология буйича "Олий ўсимликлар", "Умуртқасизлар"; география буйича "Вулқонлар", "Музликлар", "Қуруқлик"; тарих буйича "XIX асрнинг 60–70 йилларида Россияда буржуазия илохотлари", "1853–1856 йиллардаги Қрим уруши" ва бошқалар киритилган. Курсаткич учун рубрикалар танлаб олишда китобхоналарнинг манфаати ва машғулотлари ақс этган, бу "Болалар темир йўллари", "Инги йил арчаси", "Байрамни ташкил этиш", "Топишмоқлар", "Тупламлар" ва бошқаларда кўриниб турибди.

ККК мактаб ўқувчилари бўлган китобхоналар кўз унгида ҳозирги замондаги инсоният билимларини илмий мантиқий алоқада ва бирликда бутун бойлиги ва турли-туманлиги билан намойён этади. ККК жадвалларидан болалар кутубхонаси учун кутубхона

классификацияси жадвалларини ишлаб чиқиш назаридеи ва улардан фойдаланиш практикасида қўлга киритилган барча ижобий нарсалар ўрин олган. Шу муносабат билан янги классификация системаси мактабдаги таълим доирасидан чиқиб кетадиган мавзуларни ҳам қамраб олади. Бу системада совет болалар кутубхонаси ўз олди-га қўйган кенг кулабда таълим беришга жавоб берадиган мавзулар, мамлакатимизда ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни маънавий ва эстетик тарбиялаш вазифаларига оид мавзулар ҳам инобатга олишган.

## 2. Системалаштириш методикаси

Адабиётнинг системали каталогда акс этиш сифати, китобларни жавонларда тартиб билан жойлаштириш фақатгина классификация жадвалларига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки системалаштиришнинг моддалари, қоидалари ва усулларини яхши билишга, яъни системалаштириш методикасига ҳам боғлиқдир. Назкур система китобнинг классификация қаторида ниҳоятда аниқ ўрин олишига, бир хил типдаги адабиётни системалаштиришда бир хилликка эришишга, қарорлар қабул қилинаётганида ноҳолисликни баргараф этишга ёрдам беради. Пировард оқибада методларнинг бирлиги китобхонларга хизмат кўрсатишнинг самарасига, зарур адабиётни тез ва аниқ топишга таъсир этади.

Системалаштиришнинг умумий ва хусусий методикаси бир-бирдан фарқ қилади. Умумий методикада исталган мазмундаги барча адабиётлар ёки билимнинг қушгина соҳалари бўйича нашр этилган китобларнинг системалаштириш учун қоидалар бор. Хусусий методикада эса билимнинг айрим соҳалари бўйича турдош фанлар ёки нашрлар турлари бўйича туркумларга оид матбуот асарларининг системалаштириш қоидалари баён этилган.

Болалар кутубхоналарида турли ёшдаги группа китобхонларга саралаб хизмат қилиш зарурати фондларни системалаштириш ва уни ташкил этишга турлича ёндашувни талаб этади.

Мактабгача ёшдаги болалар ва биринчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган китоблар системага солинмайди ва жавонларга умумий алфавит ва айрим мавзуларга кўра териб қўйилади, 2-3-синф ўқувчилари учун мўлжалланган китоблар жадваллардаги асосий текстлар бўйича фақат лунда (қисқа) индекслардан фойдаланиб

системалаштирилади, 4-5= синф ўқувчиларига мўлжалланган адабиётлар жадвалларнинг қисқартирилган вариантыга кура жунроқ иборалар билан системалаштирилади.

Болалар кутубхонасининг асосий фонди 6-8= синф ўқувчиларига мўлжалланган китоблардир. Асосий жадваллар ва типовой бўлинмаларнинг жадваллари МК нашрларининг асосий мазмунини ташкил этиб, худди ана шу китобларни системалаштиришга мўлжалланган ва шунинг учун болалар кутубхоналарининг катта ёшдаги китобхонлар группалари учун адабиётни системалаштириш методикасига туҳталамиз.

### 3. Системалаштиришнинг асосий методикаси.

#### Китоблар мазмунини ҳисобга олиш – системалаштиришнинг асосидир

Индексларни тўғри танлаб олиш: аввало, китобнинг бирламчи белгиси бўлган унинг мазмунини тўғри аниқлашга боғлиқдир.

Нашр формаси, нима мақсадга мўлжалланганлиги ва бошқа қарорлари иккиламчи бўлиб, одатда типовой бўлинмалар ёрдамида акс этади. Масалан, дарсликлар ўзларида баён этилган билим соҳаларига оид индекслар билан белгиланади. Фақат зарур бўлиб қолгандагина асосий жадваллар индексига типовой бўлинмалар жадвалидаги индекс қўшиб қўйилиши мумкин. 6-7= синф ўқувчилари учун зоология дарслиги ҳавондан ўри олиб, СК нинг "28.6. 30 Зоология (ҳайвонлар ҳақидаги фан) " бўлимида акс этади. Нашрнинг типи ва китобхоналарининг қайси тоифасига мўлжалланганлиги ҳам инobatга олинishi мумкин. Бу ҳолда УТБ "я-7" ўқув нашрларидан фойдаланиб яна ҳам майдароқ бўлишга тузилиши мумкин, бунда нашр индекси "28.7. я-7" бўлади.

Матбуот асарлари таҳлил этилаётганида унинг мазмунини тўғри ва аниқроқ очиб бериш, асарнинг барча жиҳатлари, идеология йўналишини яхши рўёбга чиқадиган бўлимларда акс эттириш учун китобнинг гоявий ва илмий қадри албатта ҳисобга олинади. Бундай ёндашув, жумладан, марксизм-ленинизм классиклари асарлари ва партия ҳужжатлари учун зарур шартдир.

Болалар китобларининг мазмунини аниқлаш қийинлашаётганлигининг бойси шундаки, мактаб ўқувчилари учун илмий-оммабоп нашрларнинг авторлари китобларга шундай ном қўймоқдаларки,

унда китоб мазмуни мутлақо акс этмайди, баъзан эса китобнинг номи мазмундан узилиб қолган бўлади. Шунинг учун ҳам система-тизатор болалар адабиёти китоблари мазмунини таҳлил этишга алоҳида эътибор билан қараши лозим. Масалан, И.А.Халифманинг "Трубачи играют сбор" деган китобида ҳашоротлар ҳақида ҳикоя қилинади, шунга кўра уни зоология бўлимига киритиш керак. В.Р.Келлернинг "Возвращение чародея" китоби классик ва замонавий физиканинг жуда кўп масалалари билан таништиради, Э.Новиковнинг "Планета Загадок" асари номидан кўрииб турганидек, олинсадаги планета ҳақида эмас, балки ернинг пайдо бўлиши формаси, геологик тузилиши, табиат бойликларины асраш ва улардан фойдаланиш ҳақида ҳикоя қилади. Баъзи ҳолларда кутубхоначига асосий сарлавҳага аниқлик киритадиган қўшимча сарлавҳа ҳам ёрдам беради.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, сарлавҳа ёки кичик сарлавҳа тагидаги "ҳикоя", "повесть", "саргузашт" каби асар жанрини белгилловчи сузлар ҳамisha ҳам мазкур китобнинг бадиий адабиётга тааллуқлигини кўрсатавермайди. Усмирлар учун чиқарилган бундай нашрларда кўпинча чинакам илмий фактлар баён этилади ва улар илмий бўлимларда акс этиши керак. Масалан, П.А.Мантейфелнинг "Табиатшунос ҳикоялари" - 28.68 билан, Б.Л.Магилевскийнинг "Хавф-хатарни писанд қилмай яша! Муф кимёгар 1. Девит урисида повесть" асари - "24 г + 20 г"; А.Ивичнинг "Ихтироларнинг саргузашти" асари - "30 г" билан белгиланиши керак.

#### 4. Ҳужжатларни такроран акс эттириш

Болалар кутубхоналарида китоб фонди системали тартибда тоқчаларда жойлаштирилади. Шу боисдан ҳам китобларни айни вақтда икки мақсад учун системали жойлаштириш ва системали каталогларда китоблар мазмунини акс эттириш учун системалаштиришга тўғри келади. Системалаштиришдан кўзда тутилган мақсад унинг хусусиятларини ҳам белгилайди. Китоб жавонлари (тоқчалари) ва каталог учун белгиланадиган бўлимларнинг булиниш даражаси билан қайта акс эттириш методи ва аналитик системалаштириш методи билан каталогда матбуот асарлари мазмунини ҳар томонлама акс эттириш имконияти бир-биридан тубдан фарқланади.

Агар китоб СК да ўзи турган китоб жавони бўлимида акс эт-

ган бўлса, унинг тоқча, каталог ва тўла индекси бир хил бўлади.

Тоқча		
индекси		
22.6	Левитин Е.П.	
Л.36	Астрофизика шқольникам:	
	Ўқувчилар учун қўлланма.- М:	
	Превещение, 1977.-122 б.	
	69 к., 201 000 нусха.	
22.6		22.6
каталог		тўлиқ индекс
индекси		

Кўпинча тоқча ва каталог учун бўлинманинг турлича каср дағажасини белгилашга тўғри келади. Ақтуал адабиёт учун, шунингдек тор доирадаги масалаларга бағишланган китоблар учун алоҳида бўлим тузишга тўғри келади. Каталог учун батафсил системалаштириш туфайли зарур асарларни қидириб топиш осонлашади, гарчи бундай асарлар кўп бўлмасда, мактаб ўқувчиларини билимнинг бирон-бир соҳасига тўғраллққли бошқа масалалар бўйича библиографик ёзувларни кўриб чиқиш заруратидан халос этади.

Китоб тоқчаларига келганда эса иш бошқачароқдир. Бу ерда аксинча бир қанча бўлимларга бўлиб юборилганлиги оқибатида китобларни топиш ва уларни жой-жойига қўйиш қийинлешади ва бошқа бир қанча амалий ноқулайликлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам тоқчалардаги адабиётни жойлаштиришда майда-чуйда бўлимларга ажратишдан тивилиб, китобларни кенг кўламдаги тематика бўлимларидан тор доирадаги масалаларга қараб бирлаштириш керак. Масалан, болалар кутубхонасидаги китоб тоқчаларида геология масалаларига бағишланган нашрларни "26.3. Геология" бўлимида бирлаштириш мўмкин, СК да эса "26.3 я 92. Ёш геологлар" бўлимига, "26.303 Минерология ва петрография", "26.325 Фойдали қазилмалар" бўлимларига ажратиш мўмкин. Бу ҳолда каталог индекслари тоқча индексларига қараганда анча майдароқ бўлиши

мумкин. Системалаштириш учун рубрикаларни танлаб олиш, тоқча ва каталог индексларни белгилаш классификация жадвалларини аниқлаш жараёнида ҳар бир кутубхонада ўтказилади. Фондда мавжуд бўлган тоқчаларни ажратгичлар ва СК даги барча каталогларни айиргичлар иш жадвалларида белги билан ақс эттирилиши, жумладан, хошияларда классификация индекси ёнида "Д" ва "К" билан белгиланади. "Д" ва "К" ўрнига бошқа ҳар хил белгилар қўйилиши тавсия этилмайди. Ҳозирча фондда ва СК да қўлланилмаган индексларни учуриб ташлаш керак эмас: ахтироқки, фонд кўпайиши ва каталог ўсиб борагани сайин кейинчалик улардан фойдаланиш мумкин бўлар.

Тоқча индекси		
26.3	Бушин Г.	
БЭГ	Царь, камней: Алмаз / Рис.	
	М. Трубовича. - М.: Дет. лит.,	
	1976. - 124 с. ; 4 л.	
26 325		0 26.325.
каталог		Тулиқ индекс.
индекси		

Кўп томонлама мазмундаги китобларни системалаштириш учун қайта ақс эттириш методи ва аналитик системалаштириш методидан фойдаланилади. Бу ҳолда тула индекс составига кирадиган индекслар китобни каталогнинг турли бўлимларида ақс эттиришга имкон беради. Асосий ва қўшимча карточкаларда каталог индекслари ўзгартирилади, тоқча индекси эса ўзгармай қолади, чунки китоблар учун тоқчада битта ўрин белгиланади. Истиқно тарзида китобхоналар жавон олдида ўтишлари мумкин бўлганида, фондда етарли миқдорда нусхалар бўлганида К.Маркс, Э.Энгельс, В.И. Лениннинг айрим асарларини биринчи бўлимдагина эмас, балки тармоқ бўлимларида ҳам жойлаштириш таклиф этилади. Библиографик ёзув тафсилоти асосий ва қўшимча карточкаларда ҳам бир хил бўлади.



## Асосий карточка

II.5		В.И. Ленин адабиёт тугрисида. -Т.:
Л 39	Ўзбекистон,	1974.-4 02 б.
		2с. 18т., 305 000 нуска.
II.5		II.5 + 83,3P

## Қўшимча карточка

II.5		В.И. Ленин адабиёт тугрисида. -Т.:
Л 39	Ўзбекистон,	1974. - 402 б.
		2 с. 18 т., 305 000 нуска.
83_3P		

Такрор акс эттириш методи матбуот асари мазмунини ҳар томонлама очиб беришга имконият яратади, каталогнинг аҳамиятини оширади, бу метод ёрдамида гоёвий-сиёсий ва илмий жиҳатдан ниҳоятда қадри бўлган китоблар ўқувчига тезроқ етиб боради. Лекин оммавий кутубхоналар, жумладан, болалар кутубхонаси ишида такрор акс эттириш усули кўп қўлланилаётгани йўқ. Бу шу билан изоҳланадики, бир китобга анчагина карточкалар тузиш каталог ҳамининг органишига ва унга кўп меҳнат сарфланишига олиб келади. Шу боисдан ҳам болалар кутубхоналари СК да, одатда, бир китобга кўп билан иккитагина карточка тузилади.

Такрор акс эттириш методида н марксизм-ленинизм классиклари асарларини ва партия ҳамда ҳукуматнинг йўл-йўриқ курсатувчи ҳужжатларини классификация қилишда кенг қўлланилган.

Такрор акс эттириш методи қўлланилиши юзасидан бошқа қондаларни болалар, мактаб кутубхоналари учун фойдаланишга мувофиқланган ҳадваллардан фойдаланиш юзасидан кутубхоначиларнинг

методик курсатмаларидан топиш мумкин (9-15- §).

Кул жилдди нашрлар каталогда такроран акс этирилади. Нашрлар, умуман мазмунига кўра системалаштирилади, айрим жилдлар ёки нашрларнинг чиқарилиши каталогнинг тегишли бўлимларида қўшимча акс этирилади. Мисол тариқасида И. И. Акимовнинг 5 китобдан иборат "Ҳайвонот дунёси" ("Мир животных") деб аталган ҳикояларини айтиб ўтиш мумкин. Бутун нашр фондда жойлаштирилади ва "28.68 Ҳайвонлар экологияси ва географияси. Ҳайвонларни муҳофаза этиш" кағазли бўлимида акс этади, айрим жилдлар эса қўшимча тарзда каталог индексларига эга бўлади, масалан, "28.693.35 ("паррандалар") ва бошқалар.

Бошқа кутубхоналардан фарқли тарзда болалар кутубхоналарида айрим бадиий асарларнинг тафсилотини СК илмий бўлимларига қўшимча тарзда киритиш йлгаридан расм бўлган. Мактаб ўқувчилари СССР ва чет мамлакатлар тарихининг айрим даврларини ўрганишда, шунингдек машҳур кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда беллитристикадан яхшироқ фойдаланишлари учун шундай қилинади Тарихий ва биографик романлар, повестлар ва ҳикояларда ёзувчи ҳаёлининг маҳсули бўлган воқеалар ва қаҳрамонлар билан бир қаторда тарихий фактлар ҳам уз ифодасини топган, шунинг учун ҳам юқориде биз айтган қарорга келинади. Масалан, С.В.Покровскийнинг "Мамонт овчилари" ("Охотники на мамонтов"), "Қул бўйидаги посёлка" ("Посёлок на озере") повестлари китоб навонларининг "84 Р 7. Совет бадиий адабиёти" бўлимидан ўрин олади, каталогда эса такроран "БЗ.3/0/2 ибтидоий камплет" бўлимидан ўрин олади. С.Н.Марковнинг "Таме=рус Маклай" биографик повести қабул қилинган методикага мувофиқ, каталогда икки марта - бадиий адабиёт ва география (84 Р 7 - 26. 8 Г) бўликларида акс этади.

Каталогнинг илмий бўлимларида бадиий адабиёт бошқа адабиётлардан ўзга рангдаги ажраткич билан бўлиб қўйилади.

Аналитик системалаштириш каталогда ёки картотекаларда нашрнинг бир қисмини, яъни журнал, тўпламдаги мақола, китобнинг боблари ёки қисмларини акс этиришга хизмат қилади. СК да бу метод сермеҳнат бўлганлиги учун кам қўлланилади. Аммо бир қанча илмий проблемалар бўйича болалар учун китоблар ҳали етарли бўлмаганлиги ва шу соҳада фондлар кичкиналигини ҳисобга олиб

ҳамда мактаб ўқувчилари илм-фан, техника ва санъатдаги ҳозирги актуал масалаларга тобора қизиқаётганликларини инобатга олиб болалар каталогларида аналитик ёзувларни катталар каталогидаги та нисбатан кўпроқ қайд этиш керак. Аналитик системалаштиришни қўлланиш тўғрисида каталоглар бўлимларининг мазмуни боийган булуру эди.

Гарчи кутубхоналарда алоҳида ҳолдаги нашрлар булмасада, аммо К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И. Лениннинг асарлар тўпламлари ёки алоҳида тўпламларга кирган ҳамда ўқувчиларга марксизм-ленинизм классикларининг тавсиф этилган асарлари аналитик тавсифлар ёрдамида СК да акс этиши шарт. Системали каталогларнинг бўлимларига партия ва ҳукуматнинг дастлабки газета ёки журналда эълон қилинган ҳужжатлари системали каталог бўлимларига уз вақтида киритилши керак.

Аналитик системалаштириш чоғида СК учун карточкалар юри-тишининг айрим ўзига хос хусусиятлари бор.

#### 5. Биографик асарлар ва фан тарихига оид адабиётларни системалаштириш

Биографик асарлар ва фан тарихига оид адабиётларни болалар кутубхоналарида системалаштириш катталар кутубхоналари практика-касига таққослаганда ҳам муштарак, ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ёл китобхонлар ана шу адабиётларга жуда қизиқадилар.

Системалаштиришнинг умумий методикасига кўра фаннинг айрим соҳалари тарихига оид адабиёт ёки практика фаолиятга тааллуқли адабиёт, шунингдек олимлар, ёзувчилар, давлат арбоблари ва бошқаларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги нашрлар тегишли тармоқ бўлимларига киритилади. Агар айрим тармоқлар тарихига оид китоблар кул бўлса, бир тармоқнинг индекси остида "Г" тиговой бўлиммаси билан рубрикалар ажратилиши мумкин. Масалан: "22. I Г Математика тарихи", "39.5 7 Авиация ва ҳавода учиб тарихи" ва ҳоказо. Аммо ана шу қийматбаҳо материалнинг сочилиб ёташига йўл қўймаслик мақсадида болалар ва мактаб кутубхоналари учун қадвал тузувчилар СК нинг айрим бўлимларида шундай китобларни комплекс акс эттириш имкониятини назарда тутати.

Бунинг учун "ҳаёт ва фаолият" деган рубрика очилади.

- Табиатшунослар - 20 Г

- Машҳур сайёҳлар - 26. 8 Г
- Техниклар ва ихтирочилар - 30 Г
- Олимлар ва қишлоқ хўжалик ходимлари - 4 Г

Мазкур рубрикада олимларнинг биографиялари тўпламлари ҳамда фан тарихи масалалари бўйича адабиётлар билан бир қаторда тегишли бўлинмалардан қайта акс эттириш эвазига бутунлай фаннинг айрим соҳалари тарихига оид адабиётлар, шунингдек айрим олимларнинг биографияси жамланиши мумкин.

Шундай қилиб, И.Курчатов, Н.Бор, Г.Ом ва бошқа улуг физикларнинг биографияси каталогда икки қарра акс этади, яъни физика тарихи (22.3 Г) ҳамда "20 Г Умуман табиий фанлар тарихи. Олимларнинг ҳаёти ва фаолияти" умумий бўлимида акс этади.

"39.5 Ҳаво транспорти. Авиация ва ҳавода сузиш" ва "39.6 Планеталаро алоқа (планеталаро училар)" рубрикаларига тааллуқли адабиётларни системалаштиришда айрим тафовутлар бор. Масалан, учувчилар ва космонавтлар тўғрисидаги наشرлар факат битта - "39.5 Г" ёки "39.6 Г" индексига эга бўлади ва такроран "30 Г Техника тарихи, Олимлар ва ихтирочиларнинг ҳаёти ва фаолияти" бўлимида акс эттирилмайди. Демак, Ю.А.Гагарин тўғрисидаги хотиралар, яъни китоблар "39.6 Г" индексига эга бўлади. Аммо космик кемалар авиаконструкторларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги адабиётлар жадвалларнинг тегишли бўлинмаларида ҳам йиғилади ва такроран "30 Г" индекси остида акс эттирилади. А.П.Королёв тўғрисидаги китобга "39.6 Г + 30 Г" индекси берилиши керак.

СК нинг қўшма рубрикаларида жуда кўп материал йиғилади. Қулай бўлсин учун мазкур материалларни қуйидаги тартибда жойлаштириш тавсия этилади: аввало, авторлар ва китоб номларининг умумий алфавит тартибидagi фан тарихи ва биографик тўпламлардан иборат умумий ишлар келади, сўнгра эса айрим одамларнинг биографияси, улар фамилияси алфавитга кўра жойлаштирилади. Конкрет одам тўғрисидаги китобни топиш осонроқ бўлмоғи учун карточканинг ўнг чеккасида мазкур китобда фаолияти акс этган одамнинг фамилияси, исми, отасининг инициаллари кўрсатилади. Китоблар кўп бўлганида қўлланиладиган бошқа бир усул айриб турадиган карточкага муайян шахснинг фамилияси ва иниц. алини қўйишдан иборат.

Биографик жанрнинг катта тарбиявий аҳамияти китоб жавонларидagi бeрчa тармоқ бўлимларида ана шундай китобларнинг кўпроқ бўлишини талаб этади. Айни вақтда СК нинг қўшма биографик рубрикалари ана шу нашрларни бир жойда тўплаш имкониятини бeради ва шундай қилиб уларни қидириш енгиллашиб, тез топиш мумкин бўлиб қолади. Бу китобларнинг рўйхатини тезда кўздан кечириб чиқиш мумкин.

Марксизм=ленинизм классикларининг ҳамда машҳур жамоат ва сиёсий арбобларнинг биографияларини системалаштириш ўз методи-касига эга.

Марксизм=ленинизм классикларининг илм-фән, адабиёт, санъатни ривожлантириш ва амалий фаолиятдаги роли тўғрисидаги ил-ларни системалаштириш бир қадар қийинроқ. Бу каби асарлар тўпламлари ва айрим авторларнинг нашрлари тегишли тармоқ бўлимлари-га киритилган бўлиб, ИЗ= бўлимнинг бўлимларида қай адон акс этмайди. Масалан, "К.Маркснинг санъат тараққиётига қўшган ҳиссаси", - 87.8. "СССР да халқ маорифининг вужудга келиши ва тараққиётида В.И.Лениннинг роли" - 704.

Коммунистик партианинг машҳур арбоблари биографияси "66.6I 2 8 КПССнинг машҳур арбоблари" ва "66.6I (3) Айрим чет эл мамлакатлари коммунистик ва ишчи партиялари. Коммунистик ва ишчи партиялар арбоблари" индексларида тўпланади. "66.6I (2) 8" бўлимида материал арбоблар фамилияларининг алфавитига кўра жойлаштирилади. Ҳужжатли асарлар билан бир қаторда бу ерга бадиий адабиёт бўлимидан И.В. Гeбушкин, Н.Э. Бауман, М.И. Калинин, С.М. Киров ва бошқа машҳур ленинчи коммунистлар тўғрисидаги повестлар ҳам киритилади. "66.6I (3) " индекси остида бирон-бир мамлакат партия арбобларининг биографияси партия тўғрисидаги умумий адабиётлар билан бирлаштирилади, чунки болалар кутубхоналари фондларида ана шу мазмундаги китоблар кўп эмас.

Граждaнлар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ҳамда иштирок-чилари бўлган коммунистлар ва комсомоллар тўғрисидаги адабиётлар одатда, "66.6I (2) 2 КПСС тарихи" ва "66.75 (2) 2 ВЛКСМ тарихи" бўлимларида акс эттирилмайди, балки "63.3 (2) СССР тарихи" бўлимларида йиғилади. Шундай қилиб, Александр Матросов, Зоя ва Александр Космодемьянскийлар тўғрисидаги ҳужжат-

ли асарлар СКнинг "63.3 (2) 722.78 Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ва қатнашчилари" бўлинмасидан жой олади, бу қаҳрамонлар "66.75 (2) 8 ВЛСМ аъзоларининг биографияси" бўлинмасига киритилмайди.

Тарихий шахслар биографияси уларнинг фаолияти кечган мамлакат тарихи даврларига киритилади: шунинг учун Степан Разин биографияси — „63.3 (2) 46 " бўлимда булади. Айни вақтда ҳам тарихий шахс, ҳам машҳур қўмондон бўлган кишилар ҳақидаги китоблар шундай системалаштирилади. Буларга мисол тариқасида Петр — I, Наполеон, М.И.Кутузовни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Совет Армиясининг ҳарбий қўмондонлари ва раҳбарлари тўғрисидаги адабиётларда Совет Армияси тарихининг масалалари ҳам ёритилган бўлиб, бу китоблар "68. Ҳарбий фанлар. Ҳарбий иш" бўлимида тўпланadi. Аммо ҳарбий арбобларнинг граждaнлар уруши ёки Улуғ Ватан урушидаги иштироки тўғрисидаги китоблар СССР тарихининг тегшли даврларига тааллуқли бўлинмаларда акс эттирилади. Масалан, В.И.Чапаев, Н.В.Щорс, Г.И.Котоский биографиялари — "63.3 (2) 712.8 Граждaнлар уруши қаҳрамонлари ва иштирокчилари", К.К.Рокоссовский, Л.А.Говоров, Д.И.Карбишев — "63.3 (2) 722.78 Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари ва иштирокчилари" бўлимига киради.

Айни вақтда Коммунистик партия арбоблари (М.В.Фрунзе, В.К.Блюхер) бўлган совет қўмондонларининг биографияли "66.61 (2) 8 КПСНинг машҳур арбоблари" бўлимида ҳам қушимча тарзда акс эттирилади.

Шундай китоблар борки, уларда умуман илм-фан тарихи ёки ана шу тарихнинг уч ва ундан кўпроқ ёки бир нечта йўналишлари ёритилган. Ана шундай нашрлар бирон-бир тармоқ бўлимларига киритилиши мумкин эмас ва улар "72.3 Фан тарихи" индекси билан йиғилади. Фаолияти кўплаб фан соҳалари билан боғлиқ бўлган энциклопедик олимлар (масалан, И.В.Ломоносов, Леонардо да Винчи) биографияси ҳам шундай системалаштирилади. Аммо ана шу олимларнинг бир соҳадаги (масалан, Ломоносов — кимёгар) фаолияти тўғрисидаги китоблар ана шу тармоқнинг бўлимчасига киритилади.

Ўқув қўлланмасининг ана шу бўлимида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, "Г" типовой бўлинмасидан бarcha бўлимлар-

да ҳам фойдаланилмас экан. УТБ ўзи фан тарихи ёки предмети бўла туриб, мустақил индексга эга бўлган ("63. Тарих", "83.3(2) СССР адабиёти. Тарих ва танқид", "87.3 Фалсафа тарихи. Айрим фойласуфларнинг ҳаёти ва фаолияти" ва бошқалар) бўлимлар индексларига қўшилмайди.

Болалар кутубхоналари фондларида санъат тарихига оид, рассомлар, композиторлар, артистлар ва санъатнинг бошқа арбоблари фаолиятига, ҳаёти ва ижодига тааллуқли китоблар кўп. Ана шу асарлар системалаштирилаётганида "Г УТБ"дан фойдаланилмайди ва барча китобларнинг тафсилоти тегишли бўлимларга киритилади. Ўқувчилар учун мўлжалланган "Гарбий Европанинг буюк музикачилари" хрестоматиясининг индекси "85.313/3" бўлади; А.С.Дюковнинг "Прислони ихалик Пластинов" ҳужжатли-бадиий повестининг индекси - "85.143(2)" бўлади.

#### 6. Ҳаваскор болалар ва ўсмирларга ёрдам берадиган адабиётни системалаштириш

Мактабнинг ҳаёт билан алоқаси борасида қўйилаётган вазифалар таълимни ижтимоий фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш лозимлиги, инсон қобилиятларини барвақтроқ илғаб олиш зарурлиги, табиатни мустақил кузатиш туғрисидаги, турли тажрибалар ўтказиш бобидаги "қўлбола" машина, приборлар ва моделлар тайёрлаш ҳақидаги китоблар аҳамиятини оширди. Ана шу китобларни кателотда акс эттириш, уларни жавонларга тартиб билан қўйиш, китобхонга яқинлаштириш, шу китобларга бўлган талабни имкони борича кўпроқ қондириш системалаштиришнинг методик вазифаларидан биридир.

Болалар ва мактаб кутубхоналари учун КНВ вариантнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унга УТБ "я 92 Болалар ва ўсмирлар ҳаваскорлиги" кири тилди, бундан жадвалнинг асосий бўлимларида ҳам, унинг бўлимчаларида ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Мактабда табиатшунослик, химия ва бошқа фанлардан мустақил кузатишлар ва тажрибалар ўтказилишига асосланиб табиатни кузатиш ва ёш табиатшуносларнинг табиатшунослик айрим соҳаларидаги фаолияти туғрисидаги адабиётларни классификациянинг тегишли бўлимларига (физика, химия, биология ва бошқалар) киришиш керак. СК да бу китоблар ажраткичлар билан "22.1 я 92",

"22.6 я 92", "24 я 92" белгилари остида тулланади.

Мактаб ўқувчиларининг табиий фанлар соҳасидаги ҳаваскорлиги туғрисидаги умумий характердаги адабиётлар, табиатнинг ёш ихлосмандлари тўғараклари иши ҳақидаги адабиётлар учун "20 я 92 Ёш табиатшунослар" бўлимчаси ахратилади.

Мадралларда баён этилган системалаштириш қоидалари асосан классификациянинг тегишли бўлимчаларида такроран акс эттириш эвазига ёш табиатшуносларнинг фаолияти туғрисидаги барча адабиётларни "20 я 92" бўлимчасига ҳамлаш мумкин. Аммо амалда, айниқса катта фонди бўлган йирик кутубхоналарда бундай методикадан онда-сонда фойдаланилмоқда, чунки "20 я 92" каталоги бўлимчалари мазмунидан катточкалар сони кўп бўлганлиги учун ва авторлар ҳамда китоблар номларига кура алфавит тартибида жойлаштарилганлиги тўғрисида фойдаланиш қийинлашмоқда.

Ёш техникларга ёрдам берадиган адабиётларни системалаштириш учун ҳам худди шундай қоидалар белгиланган. Болалар техника ихлоскорлигига оид умумий характердаги китоблар, ёш техниклар станциялари ва техника тўғараклари туғрисидаги турли асбоблар, машиналар, моделлар, уйишқоқлар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар ясаш туғрисидаги материаллар баён этилган тупламлар ва китоблар "30 я 92 Ёш техниклар" бўлимига киритилади. Мактаб ўқувчиларининг техниканинг маълум бир тармоғи бўйича техника ихлоскорлигига оид адабиётлар техника бўлимининг тегишли бўлимчаларидаги УТБ "я 92" индексларига йиғилади, масалан, электроникага оид қўлбола буюмлар туғрисидаги китоб "52 я 92" индексини олади.

Шуни эсда тутиш керакки, мадралларда "С.С.23 Болалар ясайдиган буюмлар туғрисидаги туплам" бўлимида бор, бу бўлимида болалар ясайдиган техникавий буюм қатори физик, астрономик ва бошқа буюмларнинг тафсилоти ёзилган наشرларга ҳам мўлжалланган. "99.23" индекси остида барча техникавий буюмлар тафсилотини такроран акс эттириш ҳам кўзда тутилган, бундан мақсад китобхонанинг ана шундай қўшимча бўлимчада болалар ясайдиган буюмлар туғрисидаги барча адабиётлар билан танишувига имкон беришдир. Аммо бундай бўлими тузиш худди "20 я 92" бўлимидаги сабабларга кура мақсадга мувофиқ эмас.

Шуни таъкидламоқчимизки, кутубхона ана шу адабиётларни системалаштиришининг қайси методини танлаб оласин, қабул қилинадиган қарор мазмуни бир хил бўлган китоблар учун ягона руҳда



булиши керак.

Ёш деҳқонлар ва чорвадорлар учун, шунингдек айрим маданийлаштирилган усимликлар етиштириш ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларини боқиш учун ҳам адабиётларни системалаштиришда худди Уша қоидалар амал қилади.

Системалаштиришнинг услублари ва қоидаларнинг турли-туманлиги ана шу асосий қоидалар билан чекланмайди, албатта. Систематизатор бир қарорга келтаётганда жадваллар структурасини, улар бўлинмалари тузилишининг бир типда эканлигини ҳисобга олиши, барча справка аппаратидан фойдалана билиши керак.

Ҳар бир конкрет кутубхонада системалаштириш методларининг бирлигини методик ечимлар картотекаси (МЕК) таъминлайди, бу картотекада, карточкаларда системалаштиришнинг барча мураккаб ва баҳсли ечимлари қайд этилади.

Замонавий кутубхоначиликда "системалаштириш интеллектуал, техникавий ва ҳатто психологик жиҳатлардан ниҳоятда мураккаб жарёнлар қаторига киради". Каталог билан шуғулланувчи мутахассис кутубхонада жуда муҳим ишларни бажаради. Унинг иши туфайли фонднинг мазмуни ва таркиби очиқ берилади ва булар каталоглар ва картотекалар системасида аниқ этади, мазкур система ёрдамида эса кутубхонанинг барча ишлари, жумладан, китобхонга хизмат курсатиш иши амалга оширилади. Давонлардаги китоб фонди нечоғлик яхши уюштирилса ва каталогларда аниқ этирилса, мактаб ўқувчиси бўлган синчков китобхонанинг турли-туман эҳтиёжлари шу ҳадар тўлароқ қондирилади.

## Шарти қисқартмалар:

- АПК — алфавитли предмет кўрсаткичи  
 ББ — библиографик ёзув  
 АК — алфавитли каталог  
 КБК — кутубхона-библиографик классификацияси  
 МЕК — методик ечимлар каталоглари  
 УСК — ўлкашунослик систематик каталоглари  
 ПР — предмет рубрикаси  
 СК — системали каталог  
 СНК — системали назорат каталоглари  
 МСК — мақолалар системали каталоглари  
 МКС — марказлаштирилган кутубхона системаси  
 УТБ — умумий типовой бўлима  
 КҚБ — комплекташ, қайта ишлаш бўлими  
 СУК — системали ўлкашунослик каталоглари  
 К ва ХКБ — комплекташ ва хизмат кўрсатиш бўлими  
 МБК — марказий болалар кутубхонаси  
 ИССН — халқаро стандарт серия номери  
 ИСБН — халқаро стандарт китоб номери

Адабиётлар

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди материаллари. — Т.: Ўқитувчи, 1987. — 398 б.

2. КПСС Марказий Комитетининг 14-15 июнь 1983 й. Пленуми материаллари. — Т., 1983.

3. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг Умумий Таълим мактабларининг ўқувчиларига Таълим-тарбия беришнинг ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш туғрисидаги қарори. КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари. — 1. "Ўзбекистон", Т., 12. 522 б.

4. Меҳнатқашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва фан-техникани тараққий эттиришда кутубхоналарнинг ролини ошириш туғрисида КПСС МК нинг қарори. 1974, 8-май. 1.: Ўзбекистон, 1987. — Т. 1. — б. 411. (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари).

5. Положение о библиотечном деле в СССР: Утв. Указом Президиума Верхов. Совета СССР от 13 марта 1984 г. № 10926-X Библиотекарь. - 1984. - № 5. - 3-7 с.

6. ГОСТ 7.1-84. Библиографическое описание документа. - Взамен ГОСТ 7.1-76; Введ. 01.01.1986. - 62 с. - Группа Т 62.

7. ГОСТ 7.26-80. Библиотечное дело. Основные термины и определения. - Введ. 01.01.1982. - 13 с. - Группа Т00.

8. ГОСТ 7.39-82 Систематизация и предметизация. Термины и определения. - Введ. 01.01.1984. - 10 с. Группа Т00.

9. ГОСТ 7.44-84. Систематизация документов. Общие требования. - Введ. 01.01.1985. - 4 с. - Группа Т 62.

10. ГОСТ 7.12-77 (СТ СЭВ 20 12-79) Сокращение русских слов и словосочетаний в библиографическом описании. Взамен ГОСТ 7.8-70, кроме, п.9, ГОСТ 7.12-70; Введ. 01.01.1978. - 25 с. Группа Т 62.

11. О внедрении советской Библиотечно=библиографической классификации (БК) в практику работы массовых и детских библиотек: Приказ Министра культуры СССР. 29 сент. 1978 г. 735. Руководящие материалы по библиотечному делу. - М., 1982. - С. 58.

12. Библиотечно=библиографическая классификация: Табл. для дет. и шк. б-к. Гос. б-ка СССР им. В.И.Ленина. Изд., испр. и доп. - М., 1986. - 270 с.

13. Библиотечные каталоги: Учебник для библ. фак. ин-тов культур, пед. ин-тов и ун-тов (Под ред. Г.И.Чижковой. - 2 изд., перераб. и доп. - М., 1977. - 303 с.

14. Оформление систематических каталогов, построенных по таблицам БК для детских библиотек: Метод.ред. - М., 1980. - 70 с.

15. Перевод фондов и каталогов детских библиотек на таблицы БК: Метод.рек. - М., 1980. - 48 с.

16. Правила составления библиографического описания (Междувед. каталогизац. комис. при Гос. б-ка СССР им. В.И.Ленина. Ч. I: Книги и сериальные издания. - М., 1986. - 528 с.

17. Примерные положения о системе каталогов и картотек подразделений централизованной библиотечной системы, обслуживающих детей и подростков. Библиотечные обслуживания

детей в условиях централизации. - М., 1976. - С. 40-48.

18. Примерное положение о системе каталогов и картотек республиканской ССР, республиканской АССР, областной (краевой) детской библиотеки. Руководящие материалы по библиотечному делу. - М., 1982. - С. 186-192.

19. Сватикова В.А. Систематизация детской литературы: Учеб. пособие для студентов ин-та культуры. - М., 1983. - 79 с.

#### Кушимча адабиётлар

20. Каталоги и картотеки централизованной библиотечной системы: Практик. пособие ( Гос. б-ка СССР им. В.И.Ленина. - М., 1985. - 128 с.

21. Систематизация документов. Общие требования.: Инструкт. - метод. указания. ( Гос. б-к в СССР им. В.И.Ленина. Отд. с ист. и предм. кат.; Сост. Э.Р.Сукиасян. - М., 1985. - 68 с.

22. Хортюнова Л.В. Систематический каталог детской библиотеки: Лекция по курсу "Библиотечные каталоги" для студентов библиотечного факультета дет. и шк. б-к. - М., 1978. - 24 с.

23. Шапочник Е. "Трудные" случаи систематизации по БЖ естественно-научной литературы в детских библиотеках. Библиотекарь. - 1983. - № 4. - 56-57 с.

24. Шапочник Е. Чтобы правильно делать выбор: о "трудных" случаях систематизации по БЖ детской технической литературы. Библиотекарь. - 1983. - № 4. - 39-40 с.

Мундарижа

Кириш . . . . .	3
I. Болалар учун кутубхона каталоглари . . . . .	5
1. Болалар учун каталог ва картотекалар системасини ташкил этиш хусусиятлари . . . . .	9
2. МБК картотекалари . . . . .	14
3. Болалар кутубхоналари ҳужжатларининг тавсифи тўғрисида умумий тушунча . . . . .	16
4. Тавсифлаш принциплари . . . . .	18
5. Тавсифнинг умумий методикаси . . . . .	19
II. Болалар адабиётини системалаштириш . . . . .	32
1. Кутубхона – библиография классификацияси . . . . .	40
2. Системалаштириш методикаси . . . . .	44
3. Системалаштиришнинг асосий методикаси . . . . .	
Китоблар мазмунини ҳисобга олиш – системалаштиришнинг асосидир. . . . .	45
4. Ҳужжатларни такроран ақс эттириш . . . . .	46
5. Биографик асарларни ва фан тарихига оид адабиётларни системалаштириш . . . . .	51
6. Хаваскор болалар ва усмирларга ёрдам берадиган адабиётни системалаштириш . . . . .	55
Адабиётлар . . . . .	58

На узбекском языке

Садуровская Вера Васильевна,  
Нигматова Зироат Аздаровна,  
Зупарова Матжоба Абдубанноевна,  
Рахимова Мукамбар

Под редакцией Рахимовой М.

Описание и систематизация детской  
литературы

Ташкент "Ўқитувчи" 1990


Редактор У.Нишонов  
Бадий редактор А.Лукиянов  
Техредактор И.Винникова,  
Корректор О.Рахимов  
ИБ № 5112

Бошикта рухсат этилди 01.03.89. Формати 60 x 84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Тип.  
қоғози № 2. Ротапринт усулида босилди. Шартли б.л. 3.72.  
Шартли кр=отт. 3,836. Нашр л.2,75 Тиражи 5000. Заказ 203  
бахоси 10 т.

"Ўқитувчи" нашриёти, Тошкент, Навоий кучаси, 30. Шартнома  
12-24-89.

ЎзССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат комитети Тошкент, "Матбуот" полиграфия ишлаб чиқариш  
бирлашма оиди қарашли 4- босмахона. Тошкент, Радиальный  
проезди. 10.1989.

Типография № 4 ТПО "Матбуот" Государственного комитета  
ЎзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли.  
Ташкент, проезд Радиальный, 10.



1740e-